

438
629.13
X-18

Хамракулов О., Алимова З., Рахматуллаев М.

Транспорт воситаларида ишлатилаётган эксплуатацион материаллар



узб
629.113
к-18

О.ҲАМРАҚУЛОВ, З.Х.АЛИМОВА, М.Ҳ.РАХМАТУЛЛАЕВ

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН
ЭКСПЛУАТАЦИОН МАТЕРИАЛЛАР

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент автомобил
Ўз вақтига
Асосий кутубхона

Жиззях - 2004

«Транспорт воситаларида ишлатиладиган эксплуатацион материаллар» фашидан тайёрланган ўқув қўлланмасида, нефт ва нефтдан олинган ёшилги, мойлан материаллари ва махсус суюқликларни автомобиллар ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналари эксплуатациясида ишлатилиши, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва сифатини двигател ишига таъсири, техникада улардан оқилона фойдаланиш, ёшилги ва мой маҳсулотларини меъёрлаш ҳақида маълумотлар мужассамланган бўлиб, талабаларда бу борадаги маъруза ва амалиёт дарсларида олган билимларини мустаҳкамлашга имкон беради. Шу билан бирга қўлланмада замонавий автомобиллар ва тракторлар учун ривожланган мамлакатларнинг илғор фирмалари тамонидан ишлаб чиқарилаётган мой маҳсулотлари ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

Ўқув қўлланма Олий ўқув юрталарино илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенган Президиумининг 2003 йил 11 январдаги 32-сонли мажлис баёни билан Б5521200 "Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш" мутахассислиги бакалавр йўналишини талабаларига "Транспорт воситаларида ишлатиладиган эксплуатацион материаллар" фашининг ўқитилиши учун тавсия этилган. Ўқув қўлланмадан Б5521100 "Ер усти транспорти тизимлари", Б5540700 «Агроинженерия», Б5541000 «Фермер хўжалигини ташкил этиш ва унга техник сервис кўрсатиш» мутахассисликлари бакалавр йўналишини талабалари ҳам «Ёшилги мойлан материаллари», ҳамда бошқа мос фаиларин урганишида ва шу соҳаларда даре бераётган педагоглар фойдаланишлари мумкин.

МУНДАРИЖА:

| | |
|--|----|
| Сўз боши | 5 |
| <i>М-1</i> 1. НЕФТ ва УНИ ҚАЙТА ИШЛАШ МАҲСУЛОТЛАРИ | 7 |
| 1.1. Нефт маҳсулотларининг кимёвий таркиби ва хоссалари | 7 |
| <i>М-2</i> 1.2. Ёшилги ва мойларнинг олинини ҳақида тушунича | 11 |
| 1.3. Нефт маҳсулотларини тозалати | 13 |
| <i>М-3</i> 2. ЁНИЛГИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ХОССАЛАРИ ва УЛАРИНИНГ ДВИГАТЕЛ ИШИГА ТАЪСИРИ | 15 |
| <i>М-4</i> 3. КАРБОРАТОРЛЭ ДВИГАТЕЛЛАР УЧУН ЁНИЛГИЛАР ВА УЛАРИНИНГ ХИММОТОЛОГИЯСИ | 20 |
| <i>М-5-6</i> 3.1. Бензинларнинг фракцион таркиби, асосий хоссалари | 20 |
| 3.2. Органик перекис бирикмаларининг ҳосил бўлиши | 26 |
| <i>М-6</i> 4. ДИЗЕЛЛИ ДВИГАТЕЛЛАР УЧУН ЁНИЛГИЛАР ВА УЛАРИНИНГ ХИММОТОЛОГИЯСИ | 30 |
| 4.1. Дизел ёнилгилари учун экстендатсион талаблар | 30 |
| <i>М-7</i> 4.2. Дизелларда ёшилгининг ёпиши | 33 |
| 4.3. Дизел ёшилгиининг цетан сояи ва ушл аниқлаш | 35 |
| 4.4. Дизел ёнилгиларининг паст ҳароратдаги хоссалари | 37 |
| <i>М-8</i> 5. ГАЗСИМОН ЁНИЛГИЛАР | 39 |
| 5.1. Суялтирилган углеводород гази | 39 |
| 5.2. Сиқилган газ | 40 |
| 6. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН МОЙЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ | 42 |
| <i>М-9</i> 6.1. Умумий маълумотлар | 42 |
| 6.2. Мойларнинг асосий хоссалари | 44 |
| <i>М-10</i> 6.3. Сувғий мойлар | 45 |
| <i>М-11</i> 7. ИЧКИ ЁНЎВ ДВИГАТЕЛЛАРИ УЧУН МОЙЛАР | 49 |
| 7.1. Меъёрлашадиган сифат кўрсаткичлари | 49 |
| 7.2. Мой таркибидаги механик аралашмалар ва сувнинг миқдори | 50 |
| 7.3. Мотор мойлари классификацияси | 51 |
| <i>М-12</i> 7.4. Хорижий мотор мойларининг классификацияси | 53 |
| 8. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЭЪАТКИЧЛАРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН МОЙЛАР (ТРАНСМИССИОН МОЙЛАР) | 60 |
| 8.1. Умумий маълумотлар | 60 |
| <i>М-13</i> 8.2. Трансмиссион мойларнинг турлари | 64 |
| <i>М-14</i> 8.3. Сувғий мойлар | 65 |

| | |
|--|-----------|
| 8.4. Мой алмаштираш муддатлари | 65 |
| 9. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ПЛАСТИК СУРКОВ МОЙЛАР | 67 |
| 9.1. Умумий маълумотлар..... | 67 |
| 9.2. Сурков мойларининг асосий хоссалари..... | 67 |
| 10. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ТЕХНИК СУЮҚЛИКЛАР | 70 |
| 10.1. Тормоз суюқликлари..... | 70 |
| 10.2. Амортизатор суюқликлари..... | 72 |
| 10.3. Юргизиб юбориш суюқликлари..... | 72 |
| 10.3. Советтин суюқликлари..... | 73 |
| 11. ЕНИЛЕН ВА МОЙЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ МЕЁРГА КЕЛТИРИШИ ВА МЕЁРДА ИШЛАТИШИ ТЕЖАМИ АСОСЛАРИ | 76 |
| 11.1. Нефт маҳсулотларини ҳисобга олиб бориш ва уларнинг сифатини назорат қилиш йўдлари..... | 76 |
| 11.2. Енгилени тежамга оид чора-тадбирлар..... | 77 |
| АДАБИЁТЛАР: | 80 |

1. НЕФТ ва УНИ ҚАЙТА ИШЛАШ МАҲСУЛОТЛАРИ

Нефт ҳамда таъ бир қобилиятининг турли чуқурликдаги қатламларида, турли-туман ғовак ва бошқа тоғ жиелари орасида ётади. Босим, ҳарорат ва ички ўзгаришлар таъсирида нефт катта масофаларга силжиши мумкин.

Табиқи кўринишига кўра, нефт ўзига хос ҳидли куюқ мойсимон суюқлик бўлиб, турли тусдаги жипар ранг кўринишига эга. Нефтининг зичлиги $770-920\text{ кг/м}^3$, ёнини иссиқлиги $43000-45500\text{ кДж/кг}$.

Нефтда углерод миқдори тахминан $83-86\%$, водород миқдори $12-14\%$, олтингугурт S, кислород O ва азот N миқдори $1-3\%$ дан бўлади. Масса бўйича углеводородларнинг умумий миқдори $97-98\%$ ни ташкил этади.

Таркибидagi элементларнинг ўхшашлигига қарамадан турли жойдан олинган нефтларнинг физик ва кимёвий хоссалари ҳар хил бўлади. Бунига сабаб, углерод ва водород атомларининг ўзаро турли шаклда бирика олишидир.

1.1 Нефт маҳсулотларининг кимёвий таркиби ва хоссалари.

Нефт маҳсулотлари таркибидagi барча углеводородларнинг кимёвий структураси бўйича қуйидаги 3 хил гуруҳга бўлинади:

1. Парафин углеводородлар.
2. Нафтен углеводородлар.
3. Ароматик углеводородлар.


1. Парафин углеводородлар, кимёвий формуласи: C_nH_{2n-2}

Парафин углеводородлар нефтининг таркибидa асосан паст ҳароратда қайнайдиған (сигил) фракцияларда кўпроқ бўлади. Бу углеводородларнинг биричи 4 та вакили 0°C ҳароратта ва $0,1\text{ МПа}$ босим остида газ ҳолатида бўлади. Буларга: метан CH_4 , этан C_2H_6 , пропан C_3H_8 , бутан C_4H_{10} киради. Парафин углеводородларининг бешинчи вакили пентан C_5H_{12} дан $C_{16}H_{34}$ вакилигача суюқ ҳолатда ва $C_{17}H_{36}$ дан бошлаб қаттиқ ҳолатда бўладилар.

Парафин углеводородлар кимёвий тузилишига қараб икки хил гуруҳга бўлинади:

- нормал-парафин углеводородлар;
- изомер-парафин углеводородлар.


Нормал парафин углеводородларда углеродлар ва водород ўзаро тўғри занжир орқали боғланган бўлади. Масалан, октан C_8H_{18} нинг кимёвий тузилишини кўриб чиқамиз:




Бензин таркибидa нормал-парафин углеводородларининг бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки шундай углеводород бўлган ёнғини двигателда ёмон ётади. Нормал-парафин углеводородлар юқори ҳарорат таъсирига беқарор бўлиб, тез оксидланади ва детонацион (портлаб) ёнғини туфайли

3. Ароматик углеводородлар, кимёвий формуласи: C_nH_{2n-6} , C_nH_{2n-2}

Ароматик углеводородлар нефт таркибида парафин ва нафтен углеводородларга нисбатан озроқ миқдорда (5-20%) учрайди.




Бензол



Нафталин

Уларнинг асосий вакили бензол C_6H_6 бўлиб, унинг бензин таркибида бўлиши октан сонини оширади. Лекин бу углеводородларнинг миқдори чегараланади, чунки улар юқори ҳароратда деталларга ёпишиб, қўрум қўтишмаларини ҳосил қилади.



1-расм. Ароматик углеводородларнинг бензин таркибида бўлишининг дивигел ёпиш камерасида қўрум қўтишмалар ҳосил бўлишига боғлиқлиги:

1-этилланган бензин, 2-этилланмаган бензин.

Ароматик углеводородларнинг дизел ёниғисенда кам бўлгани яхши, чунки улар дизел ёниғисенда қийин оксидланиб, алаингаланиш вақтини узайтириб юборади, натижада дивигел қаттиқ ишлайди. Мойларда эса, бу углеводородлар кўп қўрум ҳосил бўлишига олиб келади, шунингдек, ҳарорат пасайганда мойларнинг қовушқоқлигини ошириб юборади. Шунинг учун бу углеводородлар мойлаш материалларига кам қўйилади.

Тўйинмаган углеводородлар, кимёвий формуласи: C_nH_{2n} , C_nH_{2n-2}

Нефтни қайта ишлаш жараёмида кўпгина тўйинмаган углеводородлар ҳосил бўлади.


Тўйинмаган углеводородлар жуда бўш бўлади, улар учун қўшбоқли боғланиш, узилган жойда бириктириб олиш реакцияси ҳосил. Улар осонгина оксидланиб смолалар, органик кислоталар ва бошқа бирикмалар ҳосил қилади. Тўйинмаган углеводородлар ҳар қандай нефт маҳсулотларининг хоссаларини ёмонлаштиради, шунинг учун, уларнинг ёниғисенда ҳам мойда,

ҳам буланиш мақсадга мувофиқ эмас. Тўйинмаган углеводоролар таркибидан қўшбоғ сонига қараб қуйидагича бўлади:


битта қўшбоғли-олефинлар: C_nH_{2n}

иккита қўшбоғли-диолефинлар: C_nH_{2n-2}

Масалаи: C_4H_{18} бутен



C_4H_{16} бутадиен



Бундан ташқари, нефт маҳсулотлари таркибида:

-олтинугуртли бирикмалар;

-кислородли бирикмалар;

-азотли бирикмалар бўлади.


Бу бирикмалар автомобил ёнилғилари ва мойлари сифатини ёмонлаштиради.

Олтинугуртли бирикмалар - деталларнинг коррозияланишини оширади, уларнинг миқдори:

бензинда - $0.15 \div 0.2\%$;

дизел ёнилғисидан - $0.2 \div 0.4\%$ бўлади.

Двигател деталларининг ейлиши тезлиги ёнилғидаги олтинугурт миқдорига боғлиқ. Ёшил таркибидан олтинугурт миқдори 0.2 дан 0.5 гача қўнайганда ейлиши 25-35%га ортади.



2 рasm. Ёшил таркибидан олтинугурт миқдорини норисен халқалари ейлишига таъсири.

Нефть маҳсулотларининг таркибида кислородли ва азотли бирикмалар ҳам бўлади.


Кислородли бирикмалар - нефть маҳсулотларининг юқори фракцияларида (керосиндан бошлаб) бўлади. Уларнинг миқдори 10% дан ошмайди (0.1-0.3). Бу бирикмалар асосан ҳар хил кислоталар қўриғишида бўлиб, улар деталларнинг коррозияланганини оширади ва нефтьда смолали-асфальт моддаларнинг ҳосил бўлишига олиб келади.

Азотли бирикмалар - нефть маҳсулотлари таркибида деярли жуда кам миқдорда бўлиб иссиқ деталларда қурум ва лак пайдо бўлишини кўпайтиради.

1.2. Ёнилғи ва мойларнинг олиниши ҳақида тушунча.

Нефтни қайта ишлашнинг физик ва кимёвий усуллари мавжуд. Нефтни бирламчи қайта ишлаш усули (хайдаш усули) физик усул бўлиб, нефть таркибидаги углеводородлар қайнаш ҳароратига қараб ажратилади. Унда нефть печда 300-500°C ҳароратда қиздирилиб, ажратгич колонкасида ўтказилади. Натижада унинг таркибидаги углеводородлар қайнаш ҳароратига қараб фракцияларга ажратилади. Фракция деб, нефтни маълум ҳарорат оралиғида қайнайдиган бўлагига айтилади.

Нефтни қайта ишлаш (хайдаш)да мураккаб қурилмадан (3-расм) фойдаланилади. Қурилма иккита асосий аппаратдан - нефть қиздириладиган найсимоп печ ва ректификациялаш колонкасида иборат, бу колонкада нефть фракцияларга ажралади.



3-расм. Нефтни қайта ишлаш қурилмасининг схемаси:

1-трубали печ; 2-буғлатиш колонкаси; 3-ректификация колонкаси; 4-ёрдамчи колонка; 5-пасос; 6-совутгич; 7-сув ва ифлосларни ушлаб қолгич; 8-пасос; 9-совутгич.

Найссмон пешиниң ичинда плон изи шаклидаги узун трубопровод жойлашган. Печ мазут ёки газ ёрдамида қиздирилади. Трубопроводдан нефт тўтовсиз ўтиб туради ва 320-350⁰С гача қиздирилиб буғ ва суюқлик аралашмиси ҳолида ректификациялаш колонкасига тушади. Ректификациялаш колонкаси баландлиги 40 м бўлиб, унинг ичинда бир неча қатор горизонтал жойлашган тешикли тўсиқлар - тарелкалари бўлади. Нефт буғлари колонкага тарелка тешикларидан ўтиб юқорига қўрилади. Улар юқорига қўтарилган сари аста-секин совиб, қайнаш ҳароратига қараб тарелкалариниң бирортасида суюқликка айланади.

Нефтниң буёланмай қолган қисми қолдиқ дейилади. Нефтни 360⁰С дан ортиқ қиздириб бўлмайди, чунки унинг таркибидаги углеводородлар парчаланга бошлайди.

Мазутни мой олиш учун қайта ишлаш уни труба печда вакуум остида қиздиришдан иборат. Вакуум углеводородиниң парчаланмасини учун зарур. Мазут буғлари вакуум колонкасига тушади, бу ерда улар дистиллятларга ажралади. Бу дистиллятлар турли сурков мойлари (трансформатор, сепатор, индустриал, мотор, компрессор мойлар) олиш учун ишлатилади.


Ҳайдан усулида жуда кам миқдорда (20-30%), сифати паст (октан сонн 40-50) бўлган бензин олинади. Нефтни ҳайдаб олинган бензин миқдори халқ хўжалигиниң ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондира олмайди. Бензин миқдори ва сифатини ошириш мақсадида ҳозирги вақтда қайта ишлашнинг иккинчи кимёвий усули қўлланилади. Кимёвий усул 2 хил йўналишдан иборат:

- 1) Крекинг (парчаланш).
- 2) Реформинг.

Крекинг - нефтниң йирик молекулали углеводородларини осон қайнайдиған майдароқ молекулали углеводородларга парчаланшдан иборатдир. Крекинглан жарабни 2 хил бўлади.

- углеводородлариниң 2-7 МПа босим остида ва юқори ҳароратда (470-540⁰С) парчаланга *термик крекинг* дейилади;
- углеводородлариниң юқори ҳарорат (450-500⁰С), паст босим (0,06-0,14 Мпа) остида ва катализатор ёрдамида парчаланшига *каталитик крекинг* дейилади.

Каталитик крекинг ёрдамида оғир нефт маҳсулотлари, газойилдан тортиб мазутгача 8-15% миқдорда бензин олиш мумкин:



Термик крекинг бензин таркибида тўйинмаган углеводородлар борлиги билан тўғри ҳайдалган бензиндан фарқ қилади, октан сонн 30-40% (68-70)га юқорироқ бўлади, лекин бу бензинни узок вақт сақлаб бўлмайди, чунки нақт ўтинин билан ундаги тўйинмаган углеводородлар оксидланиб смолалар ҳосил қилади. Каталитик крекингда юқори сифатли (октан сонн мотор усулида 72-82) бензин олиш имкониятини беради. Каталитик крекингда

Ёшилғида осонгина буғланадиган фракцияларнинг жуда кўп бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Бу ҳолда дизел двигателларида ёшилғи кучли ёнади, карбюраторли двигателларнинг ёшилғи найчаларида буғлар тиқилиб қолади, бунинг натижасида двигатель нормал ишламайди (ўта қизиб кетади, қуввати пасаяди, баъзан тўхтаб қолади ва уш соғутмасдан юргизиб юбориш мумкин бўлмайди). Бу ҳодиса кўпинча қишқи нав бензинларни ёзда ишлатганда содир бўлади. Шунинг учун, ҳам енгил фракцияларнинг миқдори чекланади, бензин қайнай бошлаш ҳарорати 35°C дан паст бўлмаслиги лозим.

Ёшилғининг 10 % дан 95 % гача қисми қайнаб буғланадиган ҳарорат унинг асосий қисмининг буғланишини тавсифлайди. У иш фракцияси деб аталади. Двигателнинг иш тавсифи, қизилиш мурдатли карбюраторли двигателларни бир иш режимдан бошқасига тез ўтказиш имконияти (ёқилғини қабул қилувчанлиги) иш фракциясига боғлиқ. Стандартада иш фракцияси 50% қайнаш нуқтаси билан нормалланади. У қанча паст бўлса, ёшилғининг таркиби шунча бир хил бўлади ҳамда двигатель шунча турғун ишлайди.

90% қайнаш нуқтасидан то қайнаб буғланишининг охиригача оғир углеводородлар буғланади (эгри чиқиқнинг пастки қисми). Бу нуқталар орасидаги температуралар фарқи қанча кам бўлса, ёшилғининг сифати, унинг тежамлиги шунча кўп бўлади ва двигателлар шунча кам ейилади. Ёшилғида оғир углеводородларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки улар батамом буғланиб кетмайди. Улар суяқ томчи ҳолатида қолиб, поршен халқалари орасидаги тирқишдан двигатель қартерига тушади, сурков мойларини юшиб кетади, мойни суьолтиради, натижада двигатель қисмлари тез ейилади ва ёшилғи сарфи ортади.

Ёшилғининг фракцион таркиби карбюраторли двигателлар учун муҳим аҳамиятга эга. Дизелларда ёшилғининг тўзитилиш сифати, чиқайтган газнинг тутани, қурум ҳосил бўлиш тезлиги ҳам ёшилғининг фракцион таркибига боғлиқ. Агар дизел ёшилғисида енгил углеводородлар кўп бўлса дизел қаттиқроқ таққиллаб ишлайди. Қайнаш ҳарорати юқори бўлган оғир ёшилғи йирик томчилар тарзда тўзигилади, буида ёнувчи аралашма сифати ёмонлашади ва ёшилғи сарфи ортади. Иш бажарган газлар қорайиб чиқади, цилиндр-поршен гуруҳи зонасида қурум миқдори ортади, форсулкалар тўзитиғичи корклашиб қолади. Замонавий кучли дизеллар фақат маълум фракцион таркибга эга бўлган ёшилғи билангина яхши ишлаши мумкин.

Ёшилғининг буғланувчанлига унинг қовушқоқлиги, зичлиги ва бошқа физик хоссалари ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, бензин учун тўйинган буғлар босимининг (буғланиш идини деворларига тушадиган буғ босимининг) нормаси белгиланган. Бу босим МПада ёки смюб устунининг миллиметри билан ўлчанади. Ёаги бензинлар учун бу босим 0.06 МПа дан (500 мм смюб устуни) ошмаслиги зарур, шунда газ тиқилиб қолмайди. Йилнинг совуқ вақтида двигателларни юргизиб юборишни осолаштириш учун қишқи нав бензинларининг босими 0.06-0.09 МПа (500-700 мм смюб устуни) бўлиши керак.


Ўт олдириш ҳарорати ёшилғининг фракцион таркиби билан узвий боғлиқ. Бу ҳароратда нефт маҳсулотлари ҳаво билан бирга ёнувчи аралашма ҳосил қилади, шу аралашма олов манбаига яқинлаштирилганда

2. ЁНИЛГИЛАРНИНГ УМУМИЙ ХОССАЛАРИ ва УЛАРНИНГ ДВИГАТЕЛ ИШИГА ТАЪСИРИ

Ички ёнув двигателларида ёнилғиларнинг кимёвий энергияси иссиқлик энергиясига, иссиқлик энергияси механик ишга айланади. Двигателнинг фойдали иш коэффициенти қанча юқори бўлса, унинг кўрсаткичлари ҳам шунча юқори бўлади. Ёнувчи аралашма ҳосил бўлиш таъсирига кўра двигателлар икки турга: аралашма цилиндрлар ичида ҳосил бўладиган дизел двигателлари ва аралашма цилиндрлар таъқарисида ҳосил бўладиган карбюраторли газ двигателларига бўлинади.

Нефддан олинган барча ёнилғилар турли қайнаш ҳароратига эга бўлган углеводородларнинг мураккаб аралашмасидир. Масалан, дизел ёнилғиси 170-200⁰С ҳароратда, бензин эса 35-200⁰С да қайнайди. Қишқи нав ёнилғи ва бензинлар енгил фракцион таркибга эга паст ҳароратда буғланади.

Ёнилғиларнинг сифати кўрсатиладиган паспортларда буғланувчанлиги фракцион таркиб билан баҳоланади. Фракцион таркиб қуйидагича аниқланади. Махсус приборда 100 мл ёнилғи қиздирилади. Алқалиб чиқадиган буғлар соғутилади. Натижада у, суюқликка айланади. Бу суюқлик ўлчов цилиндрига йиғилади. Ҳайдаш вақтида аввал бензиннинг қайнай бошлаш ҳарорати, сўнгра 10, 50, 90% бензиннинг қайнаб буғланш ҳарорати ҳамда, қайнаб буғланш охиридаги ҳарорати ёзиб қўйилади (дизел ёнилғиси учун фақат 50 ва 96% қайнаш нуқталари ёзиб қўйилади). Бу маълумотлар, одатда, стандартларда ва сифат паспортларда келтирилади. Баъзи ёнилғиларнинг ҳайдаш эгри чизиғи 3 расмда кўрсатишган.



4-расм. Ёнилғи ҳайдашнинг эгри чизиқлари:

1-қишқи бензин; 2-ёзги бензин, 3-қишқи дизел ёнилғиси, 4-ёзги дизел ёнилғиси, 5-авиация бензини.

Бензинларнинг енгил фракциялари (эгри чизиқда 10% ёнилғининг қайнай бошлашдан то қайнаб буғлангунча бўлган оралиқ) юргизиб юбориш фракциялари деб аталади. Бу фракцияларнинг маълум миқдори двигателни юргизиб юбориш ва қиздириш учун керак бўлади. Агар бензин ёмон беркитиладиган резервуар ва бакларда сақланса, буғланганда унинг юргизиб юбориш хоссалари кескин ёмонлашади.

№ 87-03-228
07.03.2013

Ч.Нормуродовга,
тилланган тартибда ва муддатда ижросини
таъминланг.
Муддат 1 кун

ДЕМНОМА

Г.Азимовга – ижросини назоратга олинг.

**Олий таълим муассасалари
ректорларига**

ректор  **М.Э.Хайдаров**

№ _____ «07» 02 2013 йил

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 январдаги 25-Ф сонли фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасидаги 2013 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси"га асосан, Тошкент темир йўл муҳандислари институтида жорий йилнинг 14-15 май кунлари "Техник йўналишдаги олий ўқув юртларида юксак маънавиятли мутахассислар тайёрлашнинг долзарб муаммолари" мавзусидаги илмий-амалий анжумани ўтказилишини маълум қиламиз.

Шу муносабат билан мазкур анжуман тўғрисидаги маълумотни профессор-ўқитувчи ва мутахассисларга етказишингиз сўралади.

Маълумот учун: 8(371)299-02-36, 299-05-23, (координатор, Маткаримова Ж.Д.) e-mail: filosofiya.conferens2013@yandex.ru, conferensiya2013@mail.ru.

Илова: 1 бет.

Вазир ўринбосари



Ш.Қаюмов

Ижрочи: М.Турсунов
Тел.: 246-01-87
E-mail: nauka@edu.uz

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ
01-4/193
11.03.13

АХБОРОТ ХАТИ
ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
Фалсафа ва сиёсатшунослик кафедраси

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 январдаги 25 - Ф сонли Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида «ТЕХНИК ЙЎНАЛИШДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ» мавзусида Республика миқёсида ўтказиладиган конференцияда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар ва ёш мутахассислар иштирок этиши мумкин.

Конференцияни ўтказиш вақти: 2013 йил 14-15 май

Конференцияда қуйидаги шуббалар бўйича мақолалар қабул қилинади:

1-Шубба: Ўзбекистон Миллий тараққиётида “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТКнинг ўрни

2-Шубба: Ўзбекистон темир йўллар тизими учун етук мутахассислар таёрлашнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, фалсафий ва педагогик-психологик асослари

3-Шубба: Техник олий таълим муассасаларида замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш йўллари ва воситалари

4-Шубба: Транспорт тизимида юксак маънавиятли кадрлар тайёрлаш муаммолари ва унинг ечимлари

Конференция материалларини тайёрлаш учун талаблар:

Мақола мавзуси бош ҳарфлар билан ўртага ёзилади, муаллиф(лар) исми-шарифи, илмий даражаси ва унвони, ишлаш жойи номи ҳамда иштирок қиладиган шўбанинг номи тўлиқ келтирилади, кейин **1,5** интервал пастидан, абзацдан мақола матни берилди. Мақола электрон ва қоғоз нусхада топширилади. Мақолаларда кўрсатилган фактларнинг тўғрилиги ва аниқлигига муаллиф жавобгар.

Конференциянинг расмий тиллари: *ўзбек ва рус тили.*

- Мақола тўлиқ **3-4** бет ҳажмида ёзув шрифти “Times New Roman”, ҳарфлар ҳажми **14** кегль, сатрлар оралиғи бир интервал.

- Матн майдони: чап томонидан **3** см, ўнгдан **1,5** см, юқори ва пастдан **2** см қолдирилган ҳолда ёзилади.

- Мақолалар илмий, техник ва стилистик жиҳатдан таҳрир қилинган бўлиши шарт.

- Кўрсатилган муддатдан (**15 апрель 2013 йил**) кечиктирилган мақолалар дастурга ва тўптамга киритилмайди.

Конференция ташкилий қўмитаси юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолаларни нашр қилмайди. Конференция аъзолик бадали **20 минг сўм** миқдорида пул ўтказиш йўли билан амалга оширилиши ва кўрсатилган манзилга юборилиши мумкин. Мақолаларнинг қоғоз ва электрон варианты **2013 йилнинг 15 апрель соат 17⁰⁰** га қадар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Одилхўжаев кўчаси, 1-уй, Иқтисодиёт факультети. Фалсафа ва сиёсатшунослик кафедраси 388^а, 392^а- хона. Телефон: 8(371) 299-02-36, 299-05-23, факс: 8(371)293-57-54, e-mail: filosofiya.conferens2013@yandex.ru., conferensiya2013@mail.ru

Toshkent shahri, Банк: TIF MB Uchtepa filiali H/ r : 20210000500122890001,
МФО: 00918 INN 201052998 OKONX 92110 Tel: 8 (371) 291-14-40

Ташкилий қўмита

алангалавади. Бензиннинг ўт олдириш ҳарорати жуда паст бўлиб, ҳатто бензин қор устида тукилганда ҳам унинг буғлари осонгина ўт олади. Шунинг учун ҳамма бензинлар ҳам осон алангаланадиган, портловчи суyoқдиқлар ҳисобланади. Керосинлар ва дизел ёнилғисининг баъзи навлари ҳам осон алангалади, уларнинг буғларини 25-30%да ва 35%дан юқори мўсбат ҳароратда алангаланаяди.

Бензин ва дизел ёнилғиси таркибида деярли ҳар донм эриган ҳолда смолали ва смола ҳосил қилувчи бирикмалар бўлади. Ёнилғи таркибидаги смола ёнилғи бакларига ва трубалар деворларига ўтиради, карбюраторли двигателларнинг жикёлрларини беркитиб қўяди. Смолали бирикмалар карбюраторли двигателлар чиқариш коллекторларининг иссиқ деворларида, дизел форсулкаларининг соплаларида, клапанларида ва поршенлар тубида, ёшил камерасида, поршен ариқчаларида ва бошқа жойларда ҳам тўпланади. Уларнинг қушини натижасида ҳосил бўлган қурумлар кўн тўпланганда двигателнинг ейилиши ортади, ёнилғининг ёшил жараёни ёмонлашади, сарфи ортади, баъзида двигател бутунлай ишдан чиқади.

Смола ҳосил қилувчи моддалар жумласига, тўйинмаган углеводородлар ҳам киради. Чунки улар ҳам вақт ўтиши билан юқори ҳарорат, ҳаводаги кислород ва бошқа омиллар таъсири остида смолаларга айланади (улар кўпинча потенциал смолалар деб аталади).

Стандартларда ҳақиқий смолаларнинг миқдори меъёрланади. Уларнинг ёшил таркибидаги миқдорини аниқлаш учун, маълум миқдордаги ёшил иссиқ ҳаво билан юқори ҳароратда (бензин 150°C, дизел ёнилғисини 250°C да) қиздирилади, натижада ёшил буғланиб ҳақиқий смолалар қолади. Уларнинг миқдори ёшил таркибидаги смолалар миқдорини билдиради. У 100 мл ёшил ҳисобига миллиграммда ўлчанади. Бензиннинг турли маркалари учун бу миқдор 7-15 мг/100 мл, дизел ёнилғиси учун 30-50 мг/100 мл га тенг. Бензиннинг смолали моддалар тўпланишига мойиллиги (барқарорлиги) индукцион давр билан баҳоланади. Бу давр бензиннинг таниши, сақлаш ва ундан фойдаланиш шароитлари тўғри бўлганда ўз таркибининг ўзгартирмасдан сақлаш хусусиятини белгилайди. Бу кўрсаткич лаборатория қурилмасида бензинни сулғий равишда оксидлаб аниқланади (0.7МПа=7кг/см² босимда, қуруқ ва тоза кислород атмосферасида, 100°C ҳароратда). Индукцион давр бензин оксидлана бошлаган вақтдан кислородни актив юта бошлагунча ўтган вақтдир. Бу вақт минутда ўлчанади. Турли маркадаги бензинлар учун бу қиймат 600-900 минутга, сифат белгисиз берилган бензинлар учун 1200 минутга тенг. Ҳозирги замон бензин маркалари учун индукцион давр камида 900 минутга тенг. Текширишлар бундай бензиннинг 1-1.5 йил мобайнида сақлаш мумкинлигини, бунда сифати сезиларли даражада ўзгармаслигини кўрсатади.

Карбюраторли двигателларда смолали ўтириндилар кўпинча бензин тиңдиргичларда, карбюратор деталларида тўпланади. Ёлувчи аралашма ҳосил бўлиш жараёнида смолали бирикмалар буғлана олмай, сўрили трубалари ва клапанларга ўтиради. Натижада клапан беркилмасдан, оқилиб қолади.

Дизелларда форсунка соплоларда лак ва қурумлар тўпланимаслиги керак, акс ҳолда бериладиган ёнилғи нормал тўзимайди, демак, яхши ёймайди.

Ёнилғи жараёни жуда мураккаб бўлиб, кенг тарқалганлигига қарамасдан, кам ўрганилган. Ҳар қандай ёнилғи ёниши натижасида карбонат ангидрид, сув буғлари ва олтинугурт оксиди (агар ёнилғида олтинугурт бўлса) ҳосил бўлади. Лекин булар ҳосил бўлгунига қадар ёнилғида анча ўзгаришлар бўлади, чунончи унинг молекулаларидаги боғланишлар узилади, атомларнинг ҳолати ўзгаради, ҳар хил буғ ва газлар ажралиб чиқади. Бу буғ ва газлар кислород билан бирикканда аланга ҳосил қилади. Ёнилғи қолдиги алангасиз ёниб тугайди. Ёнилғи жараёнида газларнинг ҳарорати 1500-2400⁰С га етади.

Ёнилғининг ёнишида бериладиган ҳавонинг миқдори катта рол ўйнайди. Агар у етарли бўлмаса, ёнилғи секин ёнади, ҳарорат паст бўлади, чала ёниш маҳсулотлари, яъни углерод (II)-оксиди, қурум ва бошқалар ҳосил бўлади. Иш бажарган газлар тўқ рангда, баъзан қора рангда чиқади. Ҳаво миқдорини керагидан ошириб юбориш ҳам ярамайди. Ҳаво таркибидан кислород, ҳажм бўйича фақат 21% ни ташкил қилади, қолганларини эса инерт газ ва азот N₂ ташкил этади. Демак, кўп ҳаво берилса, иссиқликнинг анчагина қисми азот ва ортиқча кислородни иситишга сарфланади, буида ҳарорат пасаяди, ёниш тезлиги камаяди, ёнилғи ортиқча сарф бўлади.

Двигателнинг суяқ аралашмада ҳам, кўюқ аралашмада ҳам ишлаш режими фойдали эмас. Биринчи ҳолда ёнувчи аралашма кўп миқдорда инерт азот ва ортиқча кислород воситасида суюлади, ёниш тезлиги ва температураси паст бўлади, двигател керакли қувватни ҳосил қилолмайди. Иккинчи ҳолда, кислород етарли бўлмайди, ёнилғининг чала ёниш маҳсуллари пайдо бўлади, қурум кўнади, двигател тугайди, ёнилғи сарфи ортади, қуввати камайд. Барча тиндаги двигателларнинг ҳамма иш режимларида ёнилғининг тўла ёнишига буида ортиқча ҳаво коэффициенти мумкин қадар кичик бўлишига эришиш зарур. Кўйида турли двигателларда ва иссиқлик куч мосламаларида ёнилғи ёниши учун керак бўладиган ортиқча ҳаво коэффициентининг тахминий қийматлари келтирилган:

Ё н и л ғ и т у р л а р и

| | |
|---|-----------|
| Бензин (карбюраторли двигателлар учун) | 0.09-1.15 |
| Дизел ёнилғиси (тезкор дизеллар учун) | 1.20-1.60 |
| Мотор ёнилғиси (секинкорар дизеллар учун) | 1.50-1.70 |
| Қаттиқ | 1.50-2.00 |
| Чансимон | 1.10-1.20 |
| Газсимон (сиқилган, суёлтирилган газлар) | 1.05-1.15 |

Ёнилғининг қовушқоқлиги қанча паст бўлса, у ҳаво билан шунча яхши аралашади ва ҳаво кам бўлганда ҳам ёнилғининг тўла ёниши таъминланади.

Ёниш иссиқлиги деб, ёнилғининг масса бирлиги -1кг суяқ ёки қаттиқ ёнилғи 1 м³ газсимон ёнилғи тўла ёнганда ажралиб чиқадиган иссиқлик миқдорига айтилади. Халқаро бирликлар тизими (СИ)га кўра барча энергия миқдори жоулда (Ж) ўлчапади. Жоул -1 Ньютон (Н) кучни 1м йўлда

бажарган иши. Жоул унча катта бўлмагани учун кўпинча жоулдан 1000 марта катта бўлган киложоулдан (кЖ) фойдаланилади. Иссиқлик калорияларида(кал) ва килокалорияларда(ккал) ўлчаилади. 1 кал = 4.1868 Ж; 1 ккал = 4.1868 кЖга тенг.

Турии маркадаги суюқ ёнилғилар (дизел ёнилғиси, бензин) тўла ёниганда деярли бир хил миқдорда иссиқлик ажраллади. Унинг фойдали (ёки паст) ёниш иссиқлиги $Q_{\text{паст}}=10200\div10500$ ккал/кг ёки $4250\div43800$ кЖ/кг га тенг. Двигателга ёнилғи эмас, балки ёнилғи ва ҳаводан иборат ёнувчи аралашма келади. Ёнувчи аралашмада ҳаво кам бўлса иссиқлик ортади, ёниш учун кўпроқ ҳаво берилганда эса камаяди.

Жадвал-1

Ёнилғи ва ёнувчи аралашмаларининг ёниш иссиқлиги.

| Ёнилғи | Ҳисоблаб топилган ҳаво миқдори, кг/кг | Ёнилғининг ёниш иссиқлиги кЖ/кг(ккал/кг) | Ёнувчи аралашманин г ёниш иссиқлиги, кЖ/кг(ккал/кг) |
|-------------------|---|--|---|
| Автомобил бензини | 14.8 | 43961 (10500) | 2780 (664) |
| Авиация бензини | 14.9 | 44380 (10600) | 2788 (666) |
| Дизел ёнилғиси | 14.4 | 42700 (1020) | 2771 (662) |
| Этил спирти | 8.4 | 25958 (6200) | 2763 (660) |
| Бензол | 13.2 | 39356 (9400) | 2771 (662) |

Ёнилғи буғларининг ҳаво билан ҳар қандай аралашмаси ҳам двигателда алаиғаланиб ёнавермайди. Аралашманин юқори ва паст алаиғаланиш чегаралари бўлади, аралашманин юқори чегараси ҳавода ёнилғи буғлари шунча миқдорда бўладикн, аралашма буиғдан ҳам куюқлашиб кетганда у алаиғаланимайдиган бўлиб қолади. Алаиғаланишнинг паст чегарасида ҳавода ёнилғи буғлари етарли бўлмайди, агар энди аралашма буиғдан ҳам суюқлашса, у ёнмайдиган бўлиб қолади. $\alpha=0.45\div0.5$ бўлганда бензинининг алаиғаланиш чегараси юқори, $\alpha=1.35\div1.40$ да паст бўлади. Босим ва ҳароратни кўтарилиш билан бу чегаралар бир оз катталашади.

Таянч иборалар: Бензин, дизел ёнилғиси, хоссалари, смолали бирикмалар, қурум, фракцион таркиб, фракция, зичлик, ёниш иссиқлиги, ҳавонинг ортиқлик коэффициенти, ёнувчи аралашма.

Назорат саволлари:

1. Ёнилғиларининг умумий хоссаларига нималар киреди?
2. Ёнилғиларининг буғланувчанлиги деганда нима тушунилади?
3. Бензин ва дизел ёнилғисининг фракцион таркиби қандай тавсифлар нуқтавлар билан баҳолишиди?
4. Пима учун қишқи нав бензиндан, ёзда, ёзги нав бензиндан эса қишқи фойдаланиб бўлмайди?
5. Ёнувчи аралашмани хосил қилишнинг қандай услублари бор?
6. Ҳақиқий смолалар деб нимага айтивлади?
7. Индукцион дивр деб нимага айтивлади?
8. Қандай омиллар бензинининг смолаланишини севаб бўлади?
9. Дизелларда қурум хосил бўлишн нималарга боғлиқ?

Адабиётлар:

1. 7-10 бетлар, 4. 24-28 бетлар, 7. 56-178 бетлар.

3. КАРБИЮРАТОРЛИ ДВИГАТЕЛЛАР УЧУН ЁНИЛГИЛАР ВА УЛАРНИНГ ХИММОТОЛОГИЯСИ

Карбюраторли двигателлар учун асосий ёнилги сифатида турли нав ва маркадаги бензинлар ишлатилади.

Бензинлар осон буғланадиган ёнувчи суюқликдир. Уларда массаси бўйича тахминан 85% углерод, 15% водород ва жуда оз миқдорда кислород, азот ва олтингугурт бўлади. Бензинларнинг зичлиги 0,712-0,742 г/см³, ёнганда чиқадиган иссиқлик миқдори тахминан 3200 МЖ/м³. Зичлиги нисбатан катта ва ёнганда кўп иссиқлик ажралиб чиққانлиги учун ёнилгининг бу тури билан ишлайдиган автомобиллар анча катта юриш йўлига эга эканлиги (400 км ва ундан ортнқ) билан фарқ қилади.

Двигател ҳосил қиладиган қувват, унинг тежамкорлиги, ишончлиги ва самарали ишлаши кўп жиҳатдан танланадиган бензиннинг хоссаларига боғлиқ бўлади.

Бензин кўйидаги эксплуатацион талабларига жавоб бериши керак.

1) карбюратор хоссалари юқори бўлиши, яъни барча режимларда двигателни осонгина юргизиб юборилиши ва барқарор ишлашини таъминлайдиган ёнувчи аралашма ҳосил қилиш керак;

2) юқори детонацион барқарорликка эга бўлиши, яъни ҳар қандай иш режамда двигателда детонация пайдо қилмаслиги лозим;

3) ёнувчи аралашманинг ёниш иссиқлиги керакли даражада юқори бўлиши зарур;

4) бакларда, ёнилги бериш аппаратларида смолалар ҳамда двигателнинг иссиқ деталларида мумкин қадар кам қурум ҳосил қилини зарур;

5) узоқ сақланганда ҳам хоссалари ўзгармаслиги учун юқори барқарорликка эга бўлиши керак;

6) резервуар, баклар, трубаларни коррозияламаслиги, унинг ёниш маҳсуллари эса двигател деталларини коррозияламаслиги лозим.


3.1. Бензинларнинг фракцион таркиби, асосий хоссалари.

Бензиннинг фракцион таркиби унинг карбюрация жараёнидаги тўлиқ буғланиши ҳақида фикр юритиш имконини беради. Ёнувчи аралашманинг сифати бензиннинг буғланиш даражасига боғлиқдир. Фракцион таркиб бензиннинг умумий ҳажми билан унинг ҳайдалиши ҳарорати орасидаги боғлиқлигини белгилайди.

Нефтдан олинган барча ёнилғилар турли қайнаш ҳароратига эга бўлган углеводородларнинг мураккаб аралашмасидир. Ёнилгининг буғланувчанлик хоссаси унинг фракцион таркиби билан баҳоланади.

Фракцион таркиб махсус асбобда 100 мл ёнилгининг қиздириб аниқланади (5-расм). Идишда 100 мл ёнилги олиб ҳайдаш қолбасида қайпотилади ва буғга айлантотилади. Буғлар совутилиб, яна суюқликка айлантотилади ва ўлчов цилиндрига йиғилади. Ҳар 10 мл ёнилги буғлангандан кейин ҳарорат ёзиб борилади. Ёнилгининг энг энгил фракциялари биринчи қайнай бошлайди ва буғга айланади.

Суюқлиқнинг буғланиш жараёнига унинг қовушқоқлиги, зичлиги, сирт таранглиги таъсир кўрсатади, бу жараён асосан ҳароратга боғлиқ.




5-расм. Ёнгилларнинг фракцион таркибини аниқлаш асбоби.

Бензин кўп фракцияли суюқликдир, шу сабабдан унинг муайян қайнаш ҳарорати бўлмайд, аммо сув, спирт ва ацетоннинг қандай ҳароратда қайнай бошланишини аниқ айтиш мумкин. Бензин таркибидаги ёнгил фракциялар атмосфера босими таъсирида 30-40⁰Сдаёқ қайнай бошлайди, оғир фракциялар эса 165-205⁰Сдагина қайнайди. 10% бензиннинг буғланишини таъминлайдиган ҳарорат (t_{10}) унинг юргизиб юбориш хусусиятини ифодалайди, чунки паст ҳароратда бензиннинг 10%ни буғлатадиган биринчи энг паст ҳароратга қуйидаги эмперик формула бўйича баҳо берилди:

$$t_{10} \approx \frac{1}{2} \cdot t_{100} - 50$$

Бу формула карбюраторда юргизиб қурилмаси, классик ўт олдирин тизими, сиқин даражаси 7,0 бўлган бензида ишлайдиган двигател учун тузилган. Сиқин даражаси ортаанда, юргизиб юбориш қурилмаси ишлатилганда, электрон ўт олдирин тизими қўлланилганда, тирсакли валнинг айланиш тезлиги оширилганда двигателни юргизиб юбориш ҳарорати пасаяди. Лекин ҳаво иссиқ кекларда бензиннинг паст ҳароратда қайнай бошланиш жуда хавфли ҳисобланади. Ёнгин чиқиш хавфи ортади, бензин буғланиб пероф бўлади, бензин трубада, бензин насосда ёнгил фракциялар қайнай бошлайди, натижада буғдан иборат тўсиқ ҳосил бўлиб, карбюраторга бензин ўтмай қолади. Таъминлаш тизимининг нормал ишланишга ҳалақит берадиган ҳароратда икки хил омил мавжуд, биринчиси - бензин тўйинган буғларининг ўртача босими ва иккинчиси 70⁰С да буғланадиган фракциялар миқдоридир (6-расм).

Бензиндаги энгил фракциялар қайнай бошлаган ҳарорат билан оғир фракцияларнинг қайнаши тўхтаган ҳарорат оралиғи бензиннинг эксплуатацион хоссалари учун катта аҳмиятига эга. Бу оралиқ қанча қисқа бўлса, двигателни юргизиб юборишга шунча кам вақт сарфланади ва двигателнинг тирсақли ваги айлашиш тезлигини ошириш хусусияти шунча юқори бўлади. Двигателнинг бу хусусиятлари бензиннинг медиана иссиқлиги деб аталадиган қайнаш ҳарорати билан, яъни бензин таркибидаги фракцияларнинг 50% буғланидиган ҳарорат билан аниқланади.



6-расм. Бензиннинг фракцион таркиби

Ниҳоят, ҳайдаш жараёни охиридаги ҳарорат таъсирида оғир фракциялар тўла буғланади ва бу ҳарорат двигателнинг хизмат муддатига катта таъсир кўрсатади. Агар ҳайдаш ҳарорати 205⁰С га етганда бензинда ишловчи двигател қисмларининг ейиллиги тезлиги 100% ни ташкил этади деб қабул қилсак, 160⁰С да у 60% га, 230⁰С да 150% га тенг бўлади. Бензин таркибидаги фракциялар унинг солиштирма ёниш иссиқлигини белгилаб беради. Авиация бензинининг бу кўрсаткичи автомобил бензинлари кўрсаткичидан юқоридир. Шу туфайли двигател авиация бензинида ишлатилганда кўпроқ қувват беради, бироқ авиация бензинида ишлаганда автомобил двигателининг клапанлари күйиб кетиши мумкин, чунки улар юксак ҳароратда ишлаганга мосланмаган.

Қишда юргизиб юбориш осон бўлиши учун ёзги ва қишқи бензинлар ишлаб чиқарилади. Қишқи бензинлар фракцион таркибининг энгиллиги билан фарқ қилади. Ёнилғининг таркибида энгил фракцияларнинг кўп бўлиши ҳам яхши эмас, ёнилғи тез ёниб ёнилғи найчаларида буғлар тиклиб қолади, натижада двигател нормал ишламайди (қизиб кетади). Бу ҳол айниқса қишқи бензинларни ёзда ишлатганда юзага келади. Ёнилғининг 10%дан 95%гача қайнаб буғланишини таъминлайдиган ҳарорат унинг асосий қисмининг буғланишини тавсифлайди ва иш фракциясен дейилади.

Ёзги бензиннинг 10%и 70⁰Сгача, қишкиси эса 50⁰С гача ҳароратда қайнаб, буғга айланиши аниқланган. Тегинлича 180⁰С ва 160⁰С ҳароратгача қиздирилганда 50% бензин қайнаб буғга айланади. Ёзги бензинлар 196-205⁰С да, қишкилари эса 185-195⁰С ҳароратда қайнаб тўлиқ буғга айланиши керак.

Жадвал-2

Турли марказдаги бензинларнинг физик-кимёвий хоссалари.


| Сифат кўрсаткичлари | А-72 | А-76 | АИ-93 |
|---|----------|-------|-------|
| Окταν сони (камида): | | | |
| Мотор усули бўйича | 72 | 76 | 85 |
| Текшириши усули бўйича | - | - | 93 |
| Этиллашган бензиндаги кўрғошин миқдори, г/кг (кўпи билан) | йук | 0,41 | 0,82 |
| Фракцион таркиби, С: | | | |
| Қайнаш бошланиши (камида) | | | |
| Ёзги бензин учун | 35 | 35 | 35 |
| Қишқи бензин учун | - | - | - |
| Кўрсатилган ҳароратда ҳайдалади (кўпи билан): | | | |
| 10% | | | |
| ёзги бензин учун | 77 | 77 | 77 |
| қишқи бензин учун | 55 | 55 | 55 |
| 50% | | | |
| ёзги бензин учун | 115 | 115 | 115 |
| қишқи бензин учун | 100 | 100 | 100 |
| 90% | | | |
| ёзги бензин учун | 180 | 180 | 180 |
| қишқи бензин учун | 160 | 160 | 160 |
| Қайнаш охири (кўпи билан): | | | |
| ёзги бензин учун | 195 | 195 | 195 |
| қишқи бензин учун | 185 | 185 | 185 |
| Кислота сони, мг/100мл (кўпи билан) | 3 | 3 | 3 |
| Ҳақиқий смолалар миқдори, мг/100мл (кўпи билан) | 10 | 10 | 10 |
| Олтинугурт миқдори, % (кўпи билан) | 0,12 | 0,10 | 0,10 |
| Ранги | оч-сарик | сарик | қизил |

Ҳайданининг 90%ли қайнаш нуқтасидан буғланишининг охиригача оғир углеводородлар буғланади. Оғир углеводородлар батамом буғланиб кетмайди. Улар суяқ томчи ҳолатида қолиб, поршен ҳалқалари орасига кириб қолади.

Бензиннинг двигател қувватига ва ёнилғининг сарф миқдорига таъсир қилувчи хоссаларидан бири унинг окταν сони бўлиб, окταν сони - ёнилғининг детонацияга турғунлиги (бардошлиги)ни билдиради. Детонация, бу

двигателнинг потўғри ишлаши ёки бошқача қилиб айтганда, ёниш жараёнининг потўғри боришидир.

Карбюраторли двигателда ёниш жараёни меъёрида борганда ёниш ҳаво билан аралашиб, ёнувчи аралашима ҳосил қилгандан сўнг, цилиндрда учқун орқали алаңгаланади ва алаңганинг тарқалиши натижасида ёниб тугалланади (7-расм). Алаңганинг тарқалиш тезлиги 15-30 м/с бўлганда двигателнинг қуввати етарли даражада бўлади, ёнишга тежамли сарф бўлади.



7-расм. Учқун билан алаңгаланадиган двигателларнинг индикатор диаграммаси.


Ёниш тезлигига кўп омиллар, ёнишнинг таркиби, ҳавонинг миқдори, намлиги ёниш камераси ичидаги босим, ҳарорат таъсир қилади.

Двигател детонацияли ишлаганда алаңгалинишнинг тарқалиши бошида бир хил бўлса ҳам, лекин ёниш жараёнининг охирига борганда ёниш тезлиги (алаңганинг тарқалиш тезлиги) жуда катта бўлиб, (1500-2000м/с) портлаш орқали боради (ҳарорат жуда катта бўлади) босим текис кўтарилмаي, тик чўзилади (индикатор диаграммада) (7-расм).

Бензиннинг детонацияга турғунлиги унга қўйиладиган муҳим талаблардан биридир. Кўчли детонация вақтида двигателнинг қуввати камаяди, ишлатилган газлар қонқора тутун кўринишида чиқади, двигателнинг деталлари иссиқлик таъсирида зўриқиб ишлайди. Натижада клапанларининг четлари, поршенлар, шамларининг электродлари кўйиб, ишдан чиқади, блок каллагидagi қистирма тешилини мумкин. Зарб тўлқинлари поршен билан цилиндр орасидаги мой пардасини йиртади ва ишқалиниб ишлайдиган юзалар жадал ейилади. Бу ҳол бензин детонацияга етарлича турғун бўлмаганида юзага келади.

Двигателда ишлатиладиган бензиннинг детонацияга турғунлик даражаси ҳаддан ташқари юқори бўлиши ҳам яхши эмас. Бунда бензин алаңгалинишга жадал "қаршилик кўрсатганлиги" сабабли секин ёнади, аралашманинг ёниш узоққа чўзилади, ёниш маҳсулотлари кенгайиб улгурмаганлигидан у фойдали иш бажармасдан совиб қолади. Ёниш жараёни тугамасдан чиқариш клапани


очилади ва иссиқ ёниш маҳсулотлари клапанга боради, клапан бундай иссиқликка бардош беролмай, қўйиб қетади. Бензинларнинг детонацияга турғунлик даражаси октан соғи билан ифодаланади.



8-расм. Детонацияли ёниш жараёнининг индикатор диаграммаси.

Двигателнинг детонацияли ишлашига йўл қўйилмайди. Шунинг учун детонацияни келиб чиқиб сабабларини ва уни камайтириш йўлларини билишимиз керак. Ёниш камерасида қурум (қотинмалар) қўй ҳосил бўлиши натижасида бензинни ўз-ўзидан ҳам алаңгалашиб кетиши мумкин.

Детонацион ёнишнинг асосий сабабларидан биттаси - ёниш таркибидаги углеводородларнинг оксидланиши натижасида органик перекис бирикмаларининг, ёниш жараёнининг охирига бориб қўй ҳосил бўлиши ва уларнинг парчаланиши натижасида қўй иссиқлик ажраланиши натижасида цилиндр ичида босим ва ҳарорат катта бўлишидир. Перекис бирикмаларнинг қўй ҳосил бўлиши қалин ёндириш (қалинлоё зажиганис)га боғлиқ.



Кинематик қовушқоқлиқ. Мотор мойининг суяқ ишқаланишини ишончли таъминлай олин хусусиятини тавсифловчи муҳим сифат бўлса, ишқаланувчи сиртлардаги мой пардаси ҳам шунча мустаҳкам бўлиб, цилиндрлардаги поршен ҳалқаларининг зичлиги шунча яхши ва мой ҳам шунча кам қуяди. Мойнинг қовушқоқлиги ҳарорат пасайиши билан кескин ортади, шунинг учун унинг қиймати қизиган двигател узоқ муддат ишлаганда ҳам паст ҳароратларда совуқ ҳолатдаги двигателни ишга туширишда ҳам суяқ ишқаланишини таъминлайдиган даражада оптимал бўлиши керак.

Автомобил двигателларининг мойлаш тизимларида қўлланиладиган мотор мойларининг кинематик қовушқоқлиги 100°C да $6-14 \text{ мм}^2/\text{с}$ га тенг. Ҳарорат пасайиши билан, бу кўрсаткич тез катталанади, минус 20°C да $1000 \text{ мм}^2/\text{с}$ га етиши ва ундан ҳам ошиб кетиши мумкин. Кинематик қовушқоқлиги $6-3 \text{ мм}^2/\text{с}$ бўлган мой қишда, қовушқоқлиги $10-14 \text{ мм}^2/\text{с}$ бўлганлари ёзда ишлатилади.

Қотини ҳарорати. Бу, мой оқувчанлигини йўқотадиган ҳароратдир. Бу кўрсаткич, маълум даражада мойнинг ҳайдалувчанлигини ва двигателни ишга тушириш хоссаларини, унинг таъсирини тавсифлайди. Ёзги мойларда қотини ҳароратини минус 15°C дан минус 20°C гача, қишки мойлариники минус 25 дан минус 30°C гача, барча мавсумда фойдаланиладиган мойларнинг қотини ҳарорати минус 45°C гача етади.



14-расм. Мотор мойлари қовушқоқлигининг ҳароратга боғлиқлиги
 1-қовушқоқлик индекси-90; 2-қовушқоқлик индекси-140

Коррозиялик. Автомобил двигателларининг коррозия таъсирдан ейилишига сабаб бўлувчи мойнинг потенциал хоссаи коррозиялик билан таснифланади. КаМАЗ ва ВАЗ автомобилларида ишлатиладиган мотор мойларининг юқори сифатли русумларида коррозиялик йўқ, бонқа марказдаги мойларда 20 г/м^2 дан ошмаслиги лозим.

7.2. Мой таркибдаги механик аралашмалар ва сувнинг миқдори.

Присадкалар қўшилмаган мой таркибда механик аралашмалар бўлмаслиги керак, присадкали мойлар таркибда эса, массаси бўйича 0,15% дан ошмаслиги лозим. Чунки механик аралашмалар ишқаланиб ишловчи қиемлар сиртига абразив таъсир кўрсатмаслиги керак. Мотор мойи таркибда сув бўлмаслиги зарур. Таркибда жуда оз миқдорда сув бўлганда ҳам майда-майда қўшиқ ва эмулсия пайдо бўлади ва бу қиемлар сиртида мой пардасининг мустаҳкамлигини ёмонлаштиради.

Қўшилмалар (присадкалар). Булар мойлар сифатини яхшилаш учун қўшилидиган махсус моддалардир. Мойнинг қандайдир битта хусусиятини яхшилайдиган қўшилмалар бир функционал, бирданга бир қанча хусусиятини яхшилайдиганлари комплекс қўшилмалар деб аталади.

Мойнинг қовушқоқлигини оширадиган қўшилмалар. Бу қўшилмалар қовушқоқлиги кам бўлган мойларга қўшилади. Бундай қўшилмалар мотор мойларининг индексини оширади, яъни юқори ҳароратларда мойнинг қовушқоқлигини оширади ва ҳарорат пасайганда қовушқоқлигини камроқ ошириш хусусиятини беради.

Депрессор қўшилмалар. Улар парафин кристалларининг ўсишини тўхтатиб туради, бунинг натижасида мойнинг қотин ҳарорати 15-20°C га пасаяди.

Оксидланишга қарши қўшилмалар. Бу қўшилмалар иш бажараётган қисмларининг коррозияланишга сабаб бўлувчи кислота ва кимёвий бирикмаларининг ҳосил бўлишига тўқинлик қилади.

Ювувчи қўшилмалар. Бу қўшилмалардан мой иш бажараётган пайтда уни ифлослантирувчи муаллақ зарраларни тўтиб қолини учун фойдаланилади. Бундай қўшилмалар қўшилганда двигател деталларининг сиртида ва мой ўтказкичларда лак ҳамда чўкиндилар ўтириши камайд.

Коррозияланишга қарши қўшилмалар. Улар деталлар сиртида коррозияланишдан сақлайдиган химоя пардаси ҳосил қилади.

7.3. Мотор мойлари таснифи.

Ишлатилиш шароитига ва эксплуатация хоссалари даражасига кўра мотор мойлари А, Б, В, Г, Д, Е гуруҳларга бўлинади. Замонавий автомобил двигателларида асосан Б, В, Г, Д гуруҳлардаги мойлар ишлатилади. Б гуруҳдаги мой-кичик тезликдаги, В-ўртача тезликдаги, Г-юқори тезликдаги карбюраторли ва дизелли двигателлар учун, Д-юқори тезликдаги ҳаво турбина ёрдамида босим билан киритиладиган дизеллар учун мўлжалланган. Б, В, Г гуруҳдаги мойлар яна кичик гуруҳларга бўлинади. Биринчи кичик гуруҳдаги мойлар (1 индексли) карбюраторли двигателлар учун, иккинчи кичик гуруҳдаги мойлар (2 индексли) дизеллар учун мўлжалланган, учинчи кичик гуруҳдаги мойлар (индексиз) универсал бўлиб, карбюраторли двигателларда ҳам, дизелли двигателларда ҳам ишлатилади. Ҳар бир гуруҳ чегарасида 100°C да мой егитга кинематик қовушқоқлик синфига эга бўлиши мумкин: 6, 8, 10, 12, 14, 16 ва 20 мм²/с.

Маркалиш. Мотор мойларининг ҳар бир русумининг шартли белгилари ҳарфлар ва рақамлардан иборат. Улар қабул қилинган таснифига мувофиқ, мойнинг вазифасини ва гуруҳини, унинг кинематик қовушқоқлигини кўрсатади.

А - гуруҳдаги мойларга присадкалар қўшилмайди ёки кам қўшилади, улар фақат сиқин даражаси кичик бўлган карбюраторли двигателларда ишлатилади.

Б, В, Г - 6-16% гача присадкалар композицияси қўшилади. Сиқин даражаси ўртача бўлган двигателлар учун Б, В, сиқин даражаси юқори бўлган двигателлар учун - Г гуруҳдаги мойлар ҳам карбюраторли, ҳам дизелли двигателларда ишлатилади.

Е - гуруҳдаги мойлар секин юрар дизелларда ишлатилади.

Д - гуруҳдаги мойлар тезкор дизелларда ишлатилади, 15-18% присадкалар композицияси қўшилади.

М-10Г₂ - мойнинг 100⁰С даги қовушқоқлиги 10сСт га тенг. Эксплуатацион хоссаишга кўра, юқори даражада кучайтирилган дизел двигателлариға Г₍₂₎ гуруҳдаги мойлар ишлатилади.

Дизел двигателларида:

-ёзда 100⁰С даги қовушқоқлиги 10-12сСт; қишда 100⁰С даги қовушқоқлиги 8сСт бўлган мойлар ишлатилади.

Карбюраторли двигателларида:

-ёзда 100⁰С даги қовушқоқлиги 8-10 сСт; қишда 100⁰С даги қовушқоқлиги 6-8сСт бўлган мойлар ишлатилади.

Хозирги вақтда дизелларда ишлайдиган тракторлар, комбайнлар, оғир юк кўтарадиган автомобилларда ишлатиладиган мойларға присадкалар миқдори кўпроқ қўшилади. Бу двигателлар юқори ҳароратда, катта юк (нагрузка) остида ва катта тезликда ишлайди. Шунинг учун буларға ишлатиладиган мойлар юқори сифатли бўлиши керак.

Двигател ишлаганда мойнинг сифати аста-секин ёмонлашиб боради. шунинг учун, белгиланган вақтлардан сўнг, уни янгииси билан алмаштириши зарур. Қишлоқ хўжалиги машиналарида, мой техник хизмат кўрсатишининг белгиланган тизимига мувофиқ алмаштирилади.

Мойни унинг эксплуатацион хоссаларини ҳисобга олган ҳолда алмаштириши учун, маълум вақт ўтгандан кейин қартердан намуна олиб, унинг сифати аниқланади. Сифати ёмонлашган мой янгииси билан алмаштирилади.

Замонавий кучайтирилган тракторлар, оғир юк кўтарадиган автомобиллар дизелларида мой жуда қийин шароитларда ишлайди. Шунинг учун бу двигателларида ишлатиладиган мойлар нефтни бевосита ҳайдаш йўли билан олинган юқори сифатли ва яхшилаб тозаланган маҳсулотларға присадкалар қўшиб тайёрланади.

Дизел двигателларида В₂ гуруҳдаги мойлар энг кўп тарқалган. Уларға ювин-дисперелан присадкалари, оксидланиш ва ёйилишға қарши присадкалар композицияси қўшилади.

Юқори даражада кучайтирилган дизел двигателларида ҳарорат юқори, юкланиш катта, шунинг учун уларда мойлаш материалларининг иш шароити ҳам оғир. Шу сабабли, уларда ишлатиладиган Г гуруҳдаги мотор мойлариға 14% гача присадкалар композицияси қўшилади.

Нефт саноати Г гуруҳдаги мойларининг асосий 2 хил марказини чиқаради: ёзги М-10Г₂ ва қишки М-8Г₂.

Қишки мойлар - 10⁰С гача дизелларини совуқда юргизиб юборишини таъминлайди. Бундан паст ҳароратда қуюлтирилган мойлардан фойдаланилади.

Бундан ташқари, таснифға кўра қуюлтирилган қишки ва қовушқоқлик ҳарорат хоссалари яхшилашган мойлар ҳам чиқарилади. Масалан, М-4₃/8В₂, 4 рақамли - қовушқоқлик сифати (-18⁰С да у 2600сСт.дан юқори бўлмаслиги

керак), "З" ҳарфи - мой таркибида қўюлтирувчи присадкалар борлигини билдиради.

Карбюраторли двигателларда: ВАЗ, Волга, ГАЗ-24, Москвич ва бошқа енгил автомашиналардаги юқори даражада кучайтирилган двигателларнинг ишончли ишлаши учун G_1 гуруҳдаги мойлар (қишки М-8Г₁ ва ёзи М-12Г₁) барча мавсумбон қўюлтирилган М-6₃/10Г₁ мойлари ишлатилади. Мойлар 1-ТХК вақтида алмантирилиб турилади. Чет мамлакатлардан келтириладиган присадкалар асосида оз миқдорда чиқариладиган М-8ГИ, М-10ГИ, М-12ГИ мойлари ҳам оз миқдорда чиқарилади. Озгина вақт ишлаган двигател қартеридан олинган мой ташқи кўриниши ва хоссалари жиҳатидан янги мойдан анча фарқ қилади.

Двигател ишлаганда мойнинг сифати аста-секин ёмонлашиб боради, шунинг учун маълум вақтдан сўнг, уни янгиси билан алмантирилади. Бу муддат юк ва енгил автомашиналари учун босиб ўтилган йўлнинг узунлиги (ТХК даврийлиги) билан белгиланади. Трактор ва қурилиш машиналари учун эса, ишлаган вақт мотосоат/соини билан белгиланади.

7.4. Хорижий мотор мойларининг таснифи.

Мамлакатимизда замонавий автомобилларнинг ишлаб чиқарилиши ва хорижий русумдаги автомобилларининг кўпайиши муносабатида хорижий мойлар ҳам кўплаб ишлатилмоқда.

Хорижий мотор мойлари қовушқоқлик ва эксплуатацион таснифлари билан таснифланади. Мойларнинг қовушқоқлик таснифи SAE J 300 "Мотор мойларининг қовушқоқлик синфлари" стандарти асосидадир. Шу стандарт бўйича 100 °С даги ва наёт ҳароратдаги мой қовушқоқлигига мос ҳолда белгиланиш киритилган.

«Камминз» двигателларида Американинг SAE ва ASTM жамиятлари томонидан тасдиқланган мотор мойлари қўлланилади. Бундай мойлар Республикамиз қишлоқ хўжалигида биринчи марта қўлланилаётганилиги сабабли, уларга қисқача тавсиф бериб ўттиш лозим.

SAE мойлари қовушқоқлик ва эксплуатацион хоссалари билан баҳоланади. Бу мойлар двигателнинг ишлаш мавсумига қараб бир нечта қовушқоқлик синфларига бўлинади. SAE таснифи 5W, 10W, 15W ва 20W синфидаги мойлар учун -18 С ва 100 С ҳароратлардаги, 20, 30, 40 ва 50 синфидаги мойлар учун эса фақат 100 С ҳароратдаги қовушқоқлик кўрсаткичларини белгилайди.

Америка нефт институти (API) томонидан қўйилган мойлар двигателнинг иш шароитига мос бўлиши шарт.

Ёзи мойлар қўйидагича белгиланади: SAE 20, SAE 30, SAE 40, SAE 50.

Қишки мойлар қўйидагича белгиланади: SAE 0W, SAE 5W, SAE 10W, SAE 15W, SAE 20W.

Ҳамма мавсумда ишлатиладиган мойлар қўйидагича белгиланади: SAE 10W-40, SAE 15W-50, SAE 20W-50, SAE 15W-40.

Шунинг эслатилиши керакки, SAE синфи фақат мойнинг қовушқоқлигини таснифлайди, унинг вазифаси тўғрисида маълумот бермайди.

Мойнинг эксплуатацион хосса категорияси унн қўлланиш миқдoси бўйича аниқланади. Қўп тарқалган API мой таснифи бензин двигателлари учун қўйидаги категорияларни белгиланади: SA, SB, SC, SD, SE, SG, SH, SJ.

Дизел двигателлари учун:

CA, CB, CC, CE, CF-4, CF-2, CF-6.

Универсал мойлар иккита кўринишда белгиланади: SF/CD, CG/CE, SH/CC, SJ/CE, PS.

Кастрол(1) ва шел(2) компаниялари инлаб чиқараётган мойлари таснифлари 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

ЛЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР ДВИГАТЕЛЛАРИ УЧУН МОЙЛАР

| Русуми | SAE бўйича синфи | Қовушқоқлик | | Қовушқоқлик шик-деген | Ҳарорат, °С | | 15°С даги сизим п г/см3 | Иш оронинг мг/л | Фойдаланиш бўйича тавсиялар | |
|-----------------------------------|------------------|--------------------|-------|----------------------------|---------------|-------------|-------------------------|-----------------|-----------------------------|---|
| | | Кинемати к, мм 2/с | | | Диа мик, мПа. | Алаш лани ш | | | | Қот иш |
| | | 0°С | 100°С | | | | | | | |
| Castrol FORMULA SLX | 0W-30 | 64,4 | 11,6 | 30 ⁰ С да 310,0 | 184 | 228 | -66 | 0,854 | 8,7 | Дизелли ва бензинли двигателлар (шу жумладан турбо наддувли) учун |
| Castrol FORMULA RS RACING SYNTHEC | 10W-60 | 165,5 | 24,3 | 20 ⁰ С да 330,0 | 179 | 240 | -57 | 0,865 | 8,6 | Исиқлик ва механик юкланишлардаги экстремал шароитларда ишлайётган дизелли ва бензинли двигателлар учун |
| Castrol TXT SOFTENING PLUS | 5W-40 | 81,3 | 13,3 | 25 ⁰ С да 320,0 | 169 | 230 | -42 | 0,859 | 8,5 | Дизелли ва бензинли двигателлар учун (шу жумладан турбо наддувли). Электрон бошқарув тизимли замонавий автомобил двигателлари учун. |
| Castrol GTX 5 LIGHTENING | 10W-40 | 101 | 14,9 | 20 ⁰ С да 340,0 | 154 | 224 | -39 | 0,875 | 9,4 | Дизелли ва бензинли двигателлар учун (шу жумладан турбо наддувли). |
| Castrol GTX 3 PROTECTANT | 15W-40 | 107 | 14,2 | 15 ⁰ С да 330,0 | 134 | 224 | -30 | 0,885 | 9,2 | Дизелли ва бензинли двигателлар учун (шу жумладан турбо наддувли). |
| Castrol GTX | 15W-40 | - | 15,6 | 15 ⁰ С да 320,0 | 140 | 230 | -33 | 0,875 | 9,4 | Дизелли ва бензинли двигателлар учун (шу жумладан турбо наддувли). |

2-Автомобил двигателлари учун майлар

| Русуми | SAE бўйича синфи | Қовушқоқлик, мм ² /с | | Қовушқоқлик шидекси | 15°C даги сивизми г/см ³ | Ҳарорат, °C | | Ишқор сониги КОИ/г | Фойдаланиш бўйича тавсиялар |
|--------------------|------------------|---------------------------------|------------|---------------------|-------------------------------------|-------------|------------|--------------------|---|
| | | 40°C да | 100°C да | | | Алап талаши | Қот-ши | | |
| HELEX ULTRA | 5W-40 | 80 | 14,5 | 187 | 0,856 | 210 | -42 | 10,5 | Дизелли ва бензинли двигателлар (шу жумл. турбо наддувли) замо-навий енгил автомобиллар учун |
| HELEX Ditsel ULTRA | 5W-30 5W-40 | 75 80 | 12 14,5 | 160 185 | 0,880 0,854 | 230 225 | -54 -42 | 12 12 | Енгил автомобиллар турбо наддувли ҳамда бевосита пуркалувчи, форкамерали дизеллари учун |
| HELEX PLUS | 10W-40 | 105 | 15 | 152 | 0,870 | 210 | -36 | 10,2 | Дизелли ва бензинли енгил автомобиллар двигателлари учун (шу жумладан турбо наддувли). |
| HELEX Ditsel PLUS | 10W-40 | 100 | 14 | 150 | 0,874 | 210 | -36 | 11,5 | Замонавий енгил автомобиллар ва кичик тоннажли юк автомобиллари дизеллари (турбо наддувли ва турбо наддувсиз) |
| HELEX Super | 10W-40 | 105 | 14,4 | 152 | 0,870 | 206 | -36 | 9,7 | Енгил автомобилларнинг дизелли ва бензинли двигателлари учун (турбо наддувли ва турбо наддувли). |
| HELEX | 10W-40 | 107,8 | 14,9 | 144 | 0,873 | 218 | -36 | 5,1 | Енгил автомобилларнинг бензинли двигателлари учун (турбо наддувли ва турбо наддувли). |

Автомобилларнинг эксплуатацион кўрсаткичлари ва бошқа техник востиларида API сифат категорияси, ҳамда SAE қовушқоқлик синфлари бўйича қўлланиши кўрсатилади.

APJ бўйича карбюраторли двигателларнинг ишлаш категорияси шартлари:

-SC - 1964-67 йилларда ишлаб чиқарилган карбюраторли енгил автомобиллар ва бир неча юк автомобиллари учундир;

-SD - 1968-70 йилларда ишлаб чиқарилган бензинли двигателли енгил автомобиллар ва бир неча юк автомобиллари учун бўлиб, ишлаб чиқарган завод томонидан берилган кафолат давригача ишлашни мумкин;

-SD категорияли мойлар юқори ва паст ҳароратларда тўпланшидан, ейлишидан, занглашдан ва коррозиядан жуда яхши ҳимоя қилади (1968 йилда бекор қилинган);

-SE - 1970-79 йилларда ишлаб чиқарилган бензинли двигателли енгил автомобиллар ва бир неча юк автомобиллари учун бўлиб, ишлаб чиқарилган завод томонидан берилган кафолат давригачадир;

-SE - категорияли мойлар хусусиятлари, юқори ҳароратларда оқиб кетишдан яхши ҳимояланиш, ейлишидан, занглаш ва бензинли двигателларида коррозиядан сақлаш хусусиятларини муҳасамалаштирган (1972 йилда бекор қилинган);

-SF - 1980-88 йилларда ишлаб чиқарилган бензинли двигателли автомобиллар учундир. SF - категорияли мойлар оксидланишга қаршилиги ва SE - категорияли мойларга нисбатан ейлишга қаршилиги яхшироқдир. Улар бундан ташқари оқиб кетишдан, занглашдан ва коррозиядан сақлашни таъминлайди (1980 йилда бекор қилинган);

-SG - бензинли двигателли енгил ва енгил юк автомобиллар учун бўлиб, ишлаб чиқарувчи томонидан берилган кафолат давригачадир. Бу категорияли мойлар SC категорияли дизел мойлари хоссаларини ўзида муҳасамалаштирган.

-SG - мойи оқиндан яхши сақлашни таъминлайди, оксидланишдан ва ейлишидан юқорида кўриб ўтилган мойлардан яхшироқ сақлайди. Бундан ташқари занглашдан ва коррозиядан сақлашни жуда яхши таъминлайди;

-SH - категорияли мойлар 1992 йилда чика бошлади. Бу мойлар замонавий бензинли двигателлари ва олдди чиқарилган енгил автомобиллар, микроавтобуслар ва енгил юк автомобиллари учун ишлаб чиқарувчи завод орқали эксплуатацияга чиқарилган. Бу категорияли мойлар занглаш, ейлиш, оксидланиш патижасида ҳосил бўлган мойларни алмаштиришда ишлатилади;

-PS - категорияли мойлар 1994 йил қабул қилинган. Бу турдаги мойлар бензинли двигателли ва дизелли енгил автомобиллар, енгил юк автомобиллари ва микроавтобуслари учундир;

-SJ - категорияли мотор мойлари 1996 йил охирида қабул қилинган. Келажакда SG - категорияли мотор мойларининг ўрнини босади;

-APJ - бўйича дизел автомобилларини ишлашни категорияси шартлари;

-CA - юқори сифатли ейлишнинг енгил ёки ўртача шароитда ишлайдиган дизел двигателлари эксплуатациясини амлаштириб, поршен бармоқларининг ейлишини ва подшипникларини коррозиядан сақлашни

таъминлайди. Улар 1940 ва 1950 йилларда кенг қўлланилган, лекин ҳозирги замонавий двигателларга ишлатилиши мумкин эмас;

-CB - паст сифатли ёнилғиларнинг сифли ва ўртача шароитда ишлайдиган дизел двигателлари эксплуатациясига англашиб, ейилишдан ва тириятлишидан яхши ҳимояланишни таъминлайди. Бу турдаги мойлар эксплуатацияда 1949 йилдан бошлаб бўлди (бекор қилинган);

-CC - ўртача ва оғир шароитда ишлайдиган наддувсиз ва трубноаддувли дизеллар учундир. Бу турдаги мойлар юқори ҳароратда куйишдан, подшпниклар емирилишдан ва занглашдан ҳимояланишни таъминлайди. Бу мой тури 1961 йилда пайдо бўлган (бекор қилинган);

-CD - ейилишдан ва куйишдан ўта самарали ҳимояланишни талаб қилувчи ёки сифати бўйича осон фарқ қиладиган ҳамда қовушқоқлиги паст ёнилғи ишлатиладиган трубноаддувли ва наддувсиз дизеллар юқори ҳароратда куйиш ва подшпникни емирилишдан сақлайди;

-CE - 1983 йилда чиқа бошлаган ва паст тезликларда ва юқори кучланишда ҳамда юқори тезликда ва юқори кучланишда ишловчи форсункалар трубноаддувли дизелларда қўлланилади;

-CF-4 тўрт такли тез ҳаракатланадиган дизелларда фойдаланиладиган мойларни таснифлайди. CF-4 мойи ҳам поршенда кам куйишни ва мой ҳаражатларини камайишни таъминлаган ҳолда CE категориясига талабни оширади. Трассаларда ишлайдиган ўта юкланган ва юк автомобилларида ишлатилади;

-CF-2 - ейилишдан ва куйишдан самарали ҳимояланишни талаб қилувчи оғир шароитда ишлайдиган икки такли дизеллар эксплуатациясида қўлланилади. Бу эксплуатация шароити учун бу мой CD мойига ишбаган яхши таснифга эга. 1996 йилдан чиқа бошлаган;

-PC - категориясидagi мой ейилишига ва куйишига қарши хусусияти бўйича талабларни қониқарли равишда қондириш учун йўнаштирилган. Двигател конструкцияси ва ёнилғи спецификациясидаги ўзгаришлар EPA га боғлиқ талабларга асосланган. Бу мойлар асосан трассаларда ишлайдиган юкланган ҳолатдаги юк автомобилларига мос келади.

Ҳар хил рангли идишлардаги SAE 15W-40 нимани аниқлатади? Маълумки, мотор мойлари катта гуруҳларга бўлинади (сунғий, полусинтетик, минерал) ва SAE қовушқоқлик синфи ёки API бўйича таснифланади.

Европа, AQSH, Япония ва бошқа давлатларда SAE (автомобил муҳандислари жамияти) таснифидаги ёзги, қишки ва ҳамма мавсумда ишлайдиган мойлар мавжуддир. Қишки мой W харфи билан ифодаланади. Қовушқоқлик ҳарорати бўйича SAE таснифидаги 10 тур мойи мавжуд.

Қишки мойлар куйидагича белгиланади: OW, 5W, 10W, 15W, 20W, .

Ёзгилари эса: 20, 30, 40, 50.

Қишки мойнинг синфини кўрсатадиган сон қанчалик кичик бўлса, шунчалик ҳарорат кичик бўлади. Яъни, мой ўзининг ишлаш қобилиятини шу ҳароратда сақлайди.

Ёзги мойнинг синфини кўрсатадиган сон қанчалик катта бўлса, мой юқори ҳароратда ўзининг қовушқоқлигини шунчалик яхши сақлайди ва

инқаланиб ишлайдиган қисмлар орасида мустақкам мой пардасини таъминлайди. Ҳамма мавсумли мой синфини қовушқоқлиги тире орқали белгиланади. Масалан, 10W-40. Бунда сонлар орасидаги фарқ қанчалик катталик бўлса, мой шунчалик катта ҳарорат диапазонида ишлай олади. Бундан ташқари кўпгина мамлакатларда API (Америка нефт институти) таснифидаги мойлар ҳам мавжуд. Улар двигателнинг ишлаш шароитини мойнинг эксплуатацион хусусиятига боғлайди. Мойнинг ишлаш шарти иккита ҳарф билан белгиланади. Биринчиси двигателнинг турини аниқлайди (S-бензинли, C-дизелли). Иккинчиси мотор мойларини эксплуатацион хусусияти даражасини белгилайди. (A, B, C, D, E, E, G, H) SA ва CA синфидаги мойлар 70нчи йилгача ишлаб чиқарилган енгил юкларинида форсункасиз двигателлар учун белгиланган. SH ва CD синфидагилар эса (1989 йилда ишлаб чиқарилган) юқори юкларинида ва оғир эксплуатацион шароитда ишлайдиган юқори форсункали наддувли двигателлар учун белгиланган.

Одатда, мойлар маркаларинида иккала тизим белгилари ҳам ишлатилади. Шунинг айтиши керакки, охириги қатор мойлари кўпгина афзалликларга эга. Улар енгил учувчи бўлиб, инқаланишида қувватнинг кам йўқотилишини таъминлайди ва ёниш сарфини камайтиради. Энг паст -30 °C ҳароратда ҳам двигателни ишлашини таъминлайди. Минерал мойлар арзон бўлиб, ўртача юкларинидаги двигателларда ишлатилади. ВАЗ, Москвич, Волга маркали автомобиллари учун энг юқори, оптимал минераллар ишлатилган. Шунинг айтиши керакки, ярим сунъий (полусинтетик) мойлар баҳоси бўйича яхши рақобатда ва эксплуатацияда яхши кўрсаткичлари билан ажралиб туради.

Ярим сунъий мойлар минерал ва сунъий мойлар каби енгил аралашади.

Мотор мойлари инфюсланган ёниладан фойдаланилганда, шунингдек, ёнили ёниши учун ҳаво сўрилганда у билан бирга кирадиган чанлар ҳисобига ҳам инфюсланади. Трактор ер ҳайдаганда, экин экканда, автомобиллар грунт йўллар ва дасалардан юрганда мотор мойидан жуда кўп абразив аралашмалар тўпланади.

Двигател ишланганда мойнинг сифати аста-секин ёмонлашиб боради, шунинг учун, маълум вақтдан сўнг уни янгиеси билан алмаштирини зарур. Қишлоқ хўжалигида машиналарга техник хизмат кўрсатишининг белгиланган тизими қабул қилинган. Мотор мойлари маълум вақт ўтгандан сўнг шу тизимга мувофиқ алмаштирилади.

Юк машиналари ва енгил машиналар учун бу муддат босиб ўтилган йўлнинг узунлиги (техник хизмат кўрсатишининг даврийлиги) билан, тракторлар, қурилши ва мелiorация машиналари учун эса ишланган мотосоатлар сони билан белгиланади. Бу тизим турли-туман техникеси кўп бўлган хўжаликлар учун техника қулайдир. Ҳақиқатан ҳам мойни ўз вақтида алмаштирини учун техника ишланган вақтин (километрда босиб ўтилган йўл, мотосоатлар, сарфланган ёнили миқдорини) ҳисобга олиб бордин кифоя. Двигателларини ишлатишга онд завод инструкцияларидан маълумки, трактор, масалан, 480 соат ишлангандан сўнг ёки автомобил 9000 км йўл юргач, унга лиги мой -қуйиши зарур.

Таянч иборалар: Мотор мойлари, ишқаланиш режимлари, қовушқоқлик индекси, лак ювни хоссалари, эксплуатацион талаблар, мойлар таснифи, мой маркалари, мой сарфи, қотини ҳарорати, мойлан хоссалари, алангаланниш ҳарорати.

Назорат саволлари:

1. *Мойларга қандай эксплуатацион талаблар қўйилади?*
2. *Дизел двигателларида қанақа мойлар ишлатилади?*
3. *Карбюраторли двигателларида қанақа мойлар ишлатилади?*
4. *Мотор мойларини алмаштирини ва улар сарфини камайтирини.*
5. *Мотор мойларининг ювиш хоссалари қандай баҳоланади?*
6. *Мотор мойлари таснифининг моҳияти шимдан иборат?*
7. *Двигател ишлаганда мойлар қандай ўзгаради?*
8. *Автомобилларда ва тракторларда мойлар қайси муддатларда алмаштирилади?*
9. *Хорижий мотор мойлари қандай таснифланади?*
10. *Нормаланадиган сифат кўрсаткичлари шималардан иборат?*

Адабиётлар:

1. 59-68 бетлар,
2. 6. 134-146 бетлар,
3. 14. 92-99 бетлар,
4. 15. 136-148 бетлар,
5. 18.

8. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ УЗАТКИЧЛАРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН МОЙЛАР (ТРАНСМИССИОН МОЙЛАР)

8.1. Умумий маълумотлар

Двигател эришган қувват етакчи ғилдиракларга трансмиссиянинг бир неча агрегат ва механизмлари орқали узатилади. Узатиш вақтида буровчи моментининг бир қисми трансмиссияни ташкил этувчи агрегат ва механизмлар қаршиликларини енгитишга сарфланади. Қаршиликлар асосан шестерияларнинг ишқаланишидан келиб чиқади. Трансмиссион бундай зарарли қаршиликларини енгитишга двигателнинг 10-15% гача қувват сарфланади.

Трансмиссион мойлар транспорт воситаларининг узаткичларидаги, яъни узатмалар қутиси, етакчи кўприклари, борт узатмалари, тарқатини қутилари, рул ва бошқарини механизмларининг тишли узатмаларини мойлаш учун ишлатилади. Трансмиссион мойларнинг асосий *вазифаси* - шестерия тишлари ниш сиртларининг ейилишини ва трансмиссия агрегатларида ишқаланишга бўладиган сарфларни камайтирини, деталларни совишини ва узарини емирилишидан сақлашдан иборатдир. Бундан ташқари трансмиссион мойлар зарбий юкламалар таъсирини, шестериялардан чиқадиган шовқинини ва узарининг титрашини пасайтирини, салышқлар ва турли бирикмалардаги тирқинларни зичлаши лозим. Трансмиссион мойлар асосан нефтни қайта ишланганда ҳосил бўладиган қолдиқ маҳсулотлардан гудрон, чала гудрондан олинади.

Трансмиссион мойларнинг зичлиги 900-935 г/см³ бўлган жуда қовушиқ ва ёпишқоқ қора рангли суяқликлардир.

Трансмиссион мойларнинг иш шароити мотор мойлари ниш шароитидан кескин фарқ қилади. Аввало, тишли, конуссимон, цилиндрлик, червякли узатмалар деталларининг ишқаланувчи сиртларига двигателдаги қараганда анча катта 1500-200 МПа гача, гипонд узатмаларда ҳатто 4000 МПа совиштирма юкланиш тушади. Двигателдаги ишқаланувчи жуфтлар орасида сиртаниш тезлиги катта, лекин трансмиссиянинг шестерияли узатмаларида нисбий сиртаниш тезлиги унчалик катта эмас (2,5-3,0 м/с дан катта эмас) ва иш ҳарорати 80-100 °С ни ташкил қилади. Двигателнинг қуввати ошини ва машиналарни ишлатиш туфайли трансмиссия агрегатларида иш ҳарорати кўтарилади ва баъзан 125-140°С гача етади. Бунда итениев оксидланишдан ташқари, мойдаги углеводородлар термик парчаланаяди.

Трансмиссион мойларнинг хили кўп бўлишига қарамасдан, уларга умумий эжекутатацион талаблар қўйилады. Уларга қўйиладиган I-асосий талаб - тишли ва червякли ғилдиракларининг едирлиб ишқаланишига йўл қўймасликдир. Бу талаб мойнинг мойлаш хусусияти билан белгиланади. Бунда мойнинг мойлаш қобилияти юқори бўлиб, тишли иланмаларда мустаҳкам парда ҳосил қила олини керак. Мойларнинг мойлаш хусусияти қўйидаги кўрсаткичлар билан тавенфланади:

Тириалиш индекси, критик юкланиш, пайвандлаш юкланиши ва едирлиш кўрсаткичи. Тириалиш индекси сурков мойининг ишқаланувчи сиртлар ярим қуруқ ҳолатда бўлганда ишқаланиш даражасини камайтирини хусусиятини тавенфлайди.

Критик юкланиш сурков мойининг тириллишининг олдини олиш хусусиятини тавсифлайди.

Пайвандлаш юкланиш сурков мойининг чегаравий ишқаланиш хусусиятини тавсифлайди. Агар пайвандлаш юкланишнинг ортиб кетса, шестериялар теда ишдан чиқади.


Едирилиш кўрсаткичи сурков материалининг ишқаланувчи жисмларнинг критик қиймадан кичик ўзгармас юкланишдаги едирилишга таъсирини тавсифлайди.

Автомобилларда, айниқса, мураккаб шароитларда ишлаганда, гипондди бош узатмадаги ишқаланувчи жуфтларга зўр келади. Гипондди узатмаларда цилиндрлик ва конуссимон (спирал-конуссимон) тишли узатмалардан фарқли равишда шестерияларнинг контактлашмиш чизиги бўйича силжини ҳодисаси еодир бўлиб туради. Бу ҳол тиш ишлаб турганда ҳам ишқаланувчи сиртларнинг едирилишга сабаб бўлсада, боғланиб ишлаш пайтидаги интенсив пессидлик ажраланиш туфайли узатманинг элгувчанлик хусусиятини чеклаб қўяди.

Трансмиссион мойларга қўйиладиган иккинчи талаб - қувватни узатишни таъминлашдаги минималлаштиришдир, йўқотмиш билан, бу эса тишларнинг ишқаланиш коэффициентига ва мойининг қовушқоқлигига боғлиқ.

Трансмиссион мойга қўйиладиган қолган талаблар мотор мойига қўйиладиган талаблар билан бир хил.

Трансмиссион мойларининг қовушқоқлик-ҳарорат хоссалари яхши, қотмиш ҳарорати керакли даражада бўлиши (манфий ҳарорат двигателининг осонгина юргизиб юборилишини, агрегатнинг иш режимиға тез ўтишини ва ишқаланувчи жуфтларнинг ишончли мойланишини таъминлаши), ҳарорат таъсирида, ҳамда вақт ўтмиш билан хоссаларини кам ўзгартириши, таркибда абразив механик араланималар ва сув, шунингдек, емирувчи фаол бирикмалар бўлмаслиги (деталларнинг механик ва кимёвий ейлишини камайитириши), ниҳоят, резина зичламаларини емирмаслиги лозим.



15-расм. Мой ҳарорати ва ҳаво ҳароратининг тишли илашмалар ейлишига таъсири.

Бу талаблардан энг муҳими тирилишига ва ейилишига қарши хоссалар ҳисобланади. Бу хоссаларни яхшилаш учун мойларга присадкалар қўшилади. Боғланиш ҳарорати юқори бўлганда, присадкаларнинг фаол элементлари ишқаланувчи сиртларда асосий металлга қараганда пластикроқ ва ейилишига чидамлироқ пардалар ҳосил қилади.

Ишлатиш шароитига кўра трансмиссион мойларни 5 та катта гуруҳга бўлиш мумкин:

- трактор ва автомобиллар трансмиссиясининг контакт кучланиши 1000 МПа гача, 90⁰С гача бўлган шароитта ишловчи кам юкломали цилиндрик ҳамда конуссимон тишли узатмалар, тезликлар қутиси, кетинги кўприклари, борт узатмалари ва бошқа агрегатларида ишлатиладиган мойлар бўлиб, бу мойларга одатда присадкалар қўшилмайди;

- ейилишига қарши присадкалар қўшилган мойлар бўлиб, улар 2000МПа гача солинтирма босим остида ва 120⁰С гача бўлган ҳароратда ишлайдиган конуссимон тишли узатмалар учун тавсия этилади;

- оғир юк кўтарадиган автомобиллар трансмиссиянинг гипоид затмалари учун мўлкалланган, тирилишида қарши самарали присадкалар қўшилган махсус мойлар;

- об-ҳаво шароитига қараб, трансмиссион мойларининг ёзги, қишки, ишмолий ва барча мавсумбоп навлари ишлаб чиқарилади. Трактор ва автомобиллар трансмиссиялари учун ёзда 100⁰С даги 14-20 сСт, қишда эса 10-14 сСт бўлган мойлар ишлатилади.

Трансмиссион мойнинг ҳарорати интервали атроф-муҳитнинг шароитига қараб (узюк вақт тургандан кейин кўзгалнишида) ва оғир шароитда узюк ишлагандаги ҳароратига қараб белгиланади.

Иссиқ кунларда мойнинг ҳарорати 80-100⁰С га, оғир ишлан шароитларида ишлатилганда 150⁰С га етиши мумкин. Ишқаланувчи сиртларнинг боғланиш жойларда ҳарорат 300-1000 ⁰С га етиши мумкин, тўғри, бу қисқа муддатли бўлади.

Ҳарорат пасайганда мойнинг қовушқоқлиги органи сабабли ишқаланиш туфайли иерофлар ва мойнинг кўчининга қаршиликларни енгинга сарфланадиган иерофлар ортади.

Трансмиссион мойлар қовушқоқлигининг чегаравий қийматлари белгиланган: қўйи чегара 5, юқори чегараси 50000 сСт.

Қўйи чегара ишқаланувчи жуфтларнинг кўтариб туриш хусусиятигига эмас, балки зичлагичнинг ишлан хусусияти билан ҳам белгиланади: жуда суюк мой манжет зичлагичдан тез сизиб ўтиб кетади.

Юқори чегара автомобилни жойдан мой қизимаган ҳолда кўзватини мумкинлиги ва биринчи узатмада 10 км/соат тезлик билан юрганиш мумкинлиги билан белгиланади. Бошқача айтганда, агар мойнинг қовушқоқлиги кўрсатилган қийматдан юқори бўлмаса, жойдан кўзгалнишида ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Бирбир мойнинг қўйи ҳарорат чегараси қовушқоқликнинг юқори чегарасига эмас, балки совитан мойнинг мустаҳкамлик чегарасига боғлиқдир. Аввал мойдаги оғир фракциялар қотади, кейин ҳарорат пасайини билан енгил фракциялар музлайди. Шунинг учун

қотган мойнинг ҳарорати маълум даражада шуртли ўлчовдир. Қотин ҳароратида енгил фракцияларнинг бир қисми ҳаши суюқ ҳолатда бўлади, ҳолбуки, совуқ мой деярли қаттиқ жисм деб ҳисобланади, унинг мустаҳкамлик чегараси унча катта бўлмайди. Демак, мой қотиб қолганда, шестерияларни хавфли даражада катта куч қўймасдан айлаштириш мумкин. Шу сабабли, трансмиссион мойнинг қўлланиш ҳарорати унинг қотин ҳароратидан паст бўлади. Мойнинг ҳарорати бундан ҳам пасайганда, у шунчалик мустаҳкам бўладикки, уни иситмасдан туриб рулни бурни ҳам, агрегатларни ҳаракатлантириши ҳам мумкин бўлмай қолади.

Совуқ жуда кучли бўлганда автомобилни шатакка олиб ўт олдиришга ўриндилар ярим ўқларнинг синишига олиб келиши мумкин.

Трансмиссион мойларнинг кўпи дистиллят (яъни, ҳайдан йўли билан олинган) ва олтингугуртли нефт мойлари қолдирининг (шунинг учун похуш олтингугурт ҳиди келади) аралашмасидан тайёрланади. Мойлаш хусусиятини (мойлик) яхшилаш учун мой таркибида асфальт-смола моддасидан оз миқдорда қолдирилади (бундай мойлар қора бўлади). Мой таркибида олтингугуртнинг бўлиши едирилишни камайтиради, бироқ бундан ташқари, мойга тириалинга қарши ва антифракцион (шиқаланниши камайтирувчи) қўшимчалар қўшилади, улар мотор мойларига қўшиладиган қўшимчалардан фарқ қилади. Бу ҳолда олтингугуртли, фосфорли ва азотли бирикмалар, кўрғошнинг, рух, алюминий, молибденли металл-органик бирикмалар, ҳайвонот ва ўсимлик ёвлари, ёғли кислоталар, уларнинг эфирлари, смольли ва нефтли кислоталар ва ҳоказолар қўлланилади. Трансмиссион мой таркибида оксидлинига қарши, едирилишга қарши ва депрессаторли қўшимчалар бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда энг яхши трансмиссион мой ТАД-17Идир. Ундан ҳамма трансмиссион агрегатларида, шу жумладан, рул механизмида ҳам фойдаланиш мумкин.

Бу мой едирилишга қарши сифатлари билан бирга антикоррозион ва антиоксидланши хоссаларига ҳам эга, у сувга чидамли. У найвандлиниш юкласига чидамлилиги бўйича гиноидли мойдан кейин турса ҳамки, ҳозирги ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг трансмиссиясида ТАД-17И дан фойдаланиш мумкин, чунки ҳозирги вақтда бош узатманинг шестерияси фосфатланган бўлади. Орқа кўприкнинг фосфатланган шестерияларига маълум муддат ишлагандан сўнг, яъни 10-12 миң км юргандан кейин ТАД-17И ни қўлаш мумкин.

ТАД-17И ни бошқа трансмиссион мойлардан осон ажратилиш мумкин, у тиниқ янги асалга ўхшаб олтин рангда бўлади. Бу ранг агрегатнинг қанчалик едирилаётганини баҳолашга имкон беради. Едирилиш маҳсулотлари билан ифлосланганда мой кул ранг тусда бўлади ва тиниқлигини йўқотади, демак мойни алмаштириш лозим. Бироқ, афсуски, ТАД-17И ни ишлаб чиқариш истеъмол талабини тўла қондирмайди, шунинг учун унинг ўрнини босадиган бошқа мой танлашга тўғри келади. Уларнинг ҳаммасида едирилишга ёки тириалишга қарши ва депрессатор қўшимчалар, баъзиларида эса, бундан ташқари, кўштиришга қарши (Тем-14,5 ва Тем-10) ва оксидланшига қарши (Тем-14 гин) қўшимчалар бўлади.

8.2. Трансмиссион мойларнинг турлари.

Трансмиссион мойлар 2 хил гуруҳга бўлинади:

1. Фақат автомобиллар учун ишлатиладиган трансмиссион мой.

2. Умумий ишларга мўлжалланган трансмиссион мойлар.

Бундан ташқари, трансмиссион мойлар улар ишлатиладиган агрегатлардаги тишли узатмаларни тузилишига қараб бир неча хил гуруҳга бўлинади:

1) Конуссимон ва цилиндрик узатмаларни мойлаш учун;

2) Гипоид илаш фақат конуссимон узатмаларни мойлаш учун;

3) Гидромеханик трансмиссияларга ва рул механизмининг гидрокучайтиригич системааларга қўшилладиган махсус мойлар.

Трансмиссион мойлар ишлатилиш шароитга қараб қуйидагиларга бўлинади:

1. Умумий ишларга мўлжалланган мойлар.

Буларга ТС ҳарфлари билан белгиланади. Масалан, ТС-10-ОТН мойидаги ҳарф ва рақамлар трансмиссион мойнинг 100 °С даги қовушқоқлиги 10мм²/с эканлиги кўрсатади.

ОПТ-тирмалнига ва ейишига қарин қўшилмаси борлигини билдиради. ТС_д-15 К. "П" ҳарфи трансмиссион мой таркибида қўшилма борлигини, К ҳарфи КаМАЗ автомобилларининг трансмиссияларининг қўп юкланиш тунадиган агрегатлари учун ишлаб чиқарилганини билдиради.

ТС₃-9 "З" ҳарфи - мой таркибида уни қуюқлаштирувчи қўшилма борлигини билдиради.

2. Автомобиллар учун трансмиссион мойлар.

Бу мойлар маркаси ТА ҳарфи билан бошланади.

ТАД-17Н. "Д" ҳарфи мой таркибида фақат қолдиқ мой эмас, дистиллят (мазуни ҳайдаб олинади) мойи ҳам борлигини билдиради. "Н" ҳарфи - мойга ейишига қаршилик кўрсатиш ва қўширишга қарин хоссаларини таъминловчи комплекс қўшилмалар борлигини билдиради.

ТАП-15В. "П" ҳарфи - мой таркибида қўшилмалар борлигини билдиради. "В" ҳарфи - олдин ишлаб чиқилган ТАП-15 мойига қараганда таркиби яхшироқ эканлигини билдиради.

АКШ ва Фарбий Европа мамлакатлари га трактор трансмиссион мойларининг таснифи икки тизимга бўлинади:

1. Қовушқоқлик - ҳарорат кўрсаткичлари бўйича SAE J306 С (Америка автомобил муҳандислар жамияти) таснифи;

2. Эксплуатация хусусиятлари бўйича API (Америка нефт институти) таснифи.

Бу таснифлар бир-бирини тўлдирди ва уларни бирга ишлатини - мой турини тўғри танлашга ёрдам беради. Қўшқи трансмиссион мойлар: SAE-70W, 75W, 80W, 85W. Ёлғи мойлар: SAE-70, 75, 80, 85 киради.

Ҳамма иқлим шароитларида ишлатини мумкин бўлган мойлар: SAE 75W-90, 80W-90, 85W-140 мойлар киради.

Трансмиссия агрегати турига ва уларни ишлатини шароитларига қараб API таснифи бўйича трансмиссион мойлар олги гуруҳга бўлинади:

1. L-1 гуруҳи - механик узатмалар қутисидagi спирал-конуссимон ва червякли тишли узатмаларда нисбатан юмшоқ шаронгларда ишлатилади;

2. GL-2 гуруҳи оғир шаронгларда ишлайдиган юк автомобилларининг асосий узатмаларининг червякли тишли узатмаларида ишлатилди. Бу мойларга едирлишга қарши қўшилмалар қўшилган;

3. GL-3 гуруҳи ўртача шаронгларда ишлайдиган автомобилларининг етакчи кўприкларидида ишлатилади. Бу мойларга тириалишга қарши қўшилмалар қўшилган;

4. GL-4 гуруҳи енгил автомобиллардаги узатмалар қутиси ва гипондди узатмаларда ишлатилади. Бу мойларнинг иш шаронглари оғир бўлиб, уларга тириалишга қарши қўшилмалар қўшилган;

5. GL-5 гуруҳи юк ва енгил автомобилларининг узатмалар қутиси ва гипондди узатмаларида ишлатилади. Бу мойларга тириалиш ва ейлишга қарши қўшилмалар қўшилган;

6. GL-6 гуруҳи зарбий юкланиш шаронглари жуда оғир бўлган узатмаларда ишлатилади.

Айрим трансмиссион мойларининг турлари:

Castrol SAF--XI

8.3. Сунъий мойлар

Трансмиссион эмирилшдан жуда яхши ҳимоялайди ва шовқиниш камайтиради. Паст ҳароратларда оқувчанлиги яхши ва ёшил тежамкорлигини оширади. **SAE 75W-140, Api GL-5**

Тўлиқ узатмали автомобиллардаги блокировкаси бор дифференциаллар учун блокировкасиз орқа кўприклар учун махсус мой.

Castrol SMX-B турли мавсумда ишлатиш мумкин бўлган сунъий мой.

Поғонадан поғонага ўтганда қаттиқ шовқин чиқарадиган трансмиссиялар учун махсус тайёрланган. Кам оксидланади, жуда яхши мойлаш сифатларига эга. **SAE 75W-30 Api GL-4**

Тўрт цилиндрли двигателлар ва тўрт поғонали узатмаларда ишлайдиган барча **BMW** автомобиллари учун тавсия этилади.

8.4. Мой алмаштириш муддатлари

Трансмиссион мой автомобилнинг турли агрегатларидан иш шаронглариининг муҳим шартларини таъкидлаб ўтгани керак. Рул бошқармаси редукторидаги мой деярли ишламайди, шунинг учун, ундаги мой автомобил ҳаёти давомида алмаштирилмайди. Узатмалар қутисидagi мой бевосита узатмадан ташқари ҳамма узатмалар ўзининг "қувват йўналтирувчанлик" вазифасини бажаради. Мой бевосита (тўғри) узатмада араланиб туради холос, у юқори ҳарорат таъсирига дуч келмайди, едирлиш маҳсуллари билан ифлосланмайди. Қўтининг ҳарорати бу ҳолда балаид бўлмайди, чунки унда ишқаланиш туфайли перофлар бўлмайди. Бош узатмада мой доимо ишлаб туради, бунда шестериялар кўн сирланади. шунинг учун, автомобил шаҳардан ташқаридаги текис асфальт йўлда ҳаракатланганда узатмалар қутисидagi

мойни алмаштириш муддати, кетинги кўприкдаги мойга ишбатан икки марта узаяди (яъни, 40-60 минг км юргандан кейин алмаштириш мумкин).

ТАД-17И нинг ўрнига бошқа мой қўйилганда мой алмаштириш муддати 1/3...1/4 марта қисқаради.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Энеро», «Мерседес-Бенц» ва бошқа турдаги автомобилларнинг рул механизмининг гидрокучайтиричига ДЕКСПОН-П мойи қўйилади.

Таъин иборалар: Трансмиссион мойлар, сунъий мойлар, трансмиссион мойларнинг зичлиги, трансмиссион мойларнинг қовушқоқлиги, тиришлик индекси, критик юкланиш, пайвандаш юкланиш, едирилиш, ейилишга қарши присадкалар.

Назорат саволлари:

1. Трансмиссион мойларнинг вазифаси намадан иборат?
2. Трансмиссион мойларга қандай асосий талаблар қўйилади?
3. Трансмиссион мойларнинг асосий хоссалари нималардан иборат?
4. Фақат автомобиллар учун ишлатиладиган трансмиссион мойларнинг умумий ишларга мўлжалланган трансмиссион мойлардан фарқи нима?
5. Трансмиссион мойларнинг қандай таснифи ва маркалари бор?
6. АҚШ ва Фарбий Европа мамлакатларида ишлатиладиган трансмиссион мойлар қандай таснифланади?
7. Сунъий мойларнинг бошқа мойлардан қандай фарқлари бор?
8. Трансмиссион мойлар қайси муддатларда алмаштирилади?

Адабиётлар:

